Ishbilarmon, mardlik va shijoat sohibi, azmi qat`iy, tadbirkor va hushyor bir kishi ming-minglab tadbirsiz, loqayd kishilardan yaxshidir

# XXI ASR

TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O`ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI

Gazeta 2004-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA | 2014-yil 25-dekabr, payshanba, **52 (580)-son** | e-mail: **xxi_asr@mail.ru**, web sayt: **www.21asr.uz**

# СИЁСИЙ САЛОҲИЯТ САМАРАСИ








Солиҳ ЗОИР олган суратлар

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси жорий йилнинг 21 декабрь куни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига бўлиб ўтган сайловнинг дастлабки натижаларини эълон қилди. Унга кўра, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси парламент қуйи палатасига сайлов якунланган деб ҳисобланган 113 та сайлов округидан **47 ТАСИДА** ғолиб чиқди. Бу кўрсаткич «Миллий тикланиш» ДПда 28, ЎзХДПда 21, «Адолат» СДПда 17 тани ташкил қилди. Алоҳида таъкидлаш жоизки, O`zLiDePнинг мазкур муваффақияти партиянинг сиёсий салоҳияти самарасидир.

## Мақсад — тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш

**Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармасида «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, уларга берилаётган имтиёз ва қулайликлар» мавзусида семинар-тренинг бўлиб ўтди. Унда Тошкент шаҳар адлия ва Давлат солиқ бошқармалари мутахассислари тадбиркорлар учун яратилган қулай шарт-шароитлар ҳақида маълумот берди**

Тадбирда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш йўлида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар мамлакатимиз иқтисодиётини барқарор ривожлантириш, янги иш ўринлари яратиш ва аҳоли даромадларини оширишга хизмат қилаётгани таъкидланди.

Давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 15 апрелдаги «Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш ва давлат хизматларини кўрсатиш билан боғлиқ тартиботларни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори тадбиркорлик субъектлари учун янада қулай шарт-шароит яратди. Мазкур ҳужжат асосида хусусий секторнинг ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани тадбиркор ҳамда ташаббускор мулкдорлар сафи кенгайишига хизмат қилмоқда.

— Жорий йилда тадбиркорликка оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар мазмун-моҳиятини тушунтиришга бағишланган семинарлар, давра суҳбатлари, «Тадбиркорлар кунлари» ташкил этилди, — дейди Савдо-саноат палатаси Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси бошлиғи ўринбосари Беҳзод Иброҳимов. — Мазкур тадбирларда кичик бизнес вакилларининг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган имтиёзлар ҳақидаги билим ва тушунчаси янада бойитилди.

Семинар-тренингда бизнесни ривожлантириш, хорижий инвестицияларни жалб қилиш, тадбиркорлик субъектларининг ташқи иқтисодий фаолиятини амалга ошириш масалалари хусусида сўз юритилди. Шу билан бирга, палатанинг ҳудудий бошқармалари, шаҳар, туман бизнес ҳамда ахборот-маслаҳат марказлари эътиборини Тошкент шаҳридаги саноат корхоналари ва кичик бизнес субъектлари фаолиятида учраётган муаммоларни бартараф этишга қаратиш зарурлиги қайд этилди.

Тадбирда жамиятимизда қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш, ёшларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш, назорат қилувчи органлар томонидан ўтказилаётган текширишларнинг қонунийлигини таъминлаш, кичик бизнес субъектларига солиқ соҳасида яратилаётган имтиёз ва афзалликлар тўғрисида ўзаро фикр алмашилди.

**(ЎзА)**

## Ўзбекнинг ўзбеклиги

**«Ҳар қандай жамиятнинг ёши улуғ одамларга бўлган эътибори ва ғамхўрлиги унинг миллий даражасини белгилайди, десак янглишмаган бўламиз. Соддагина, ўзбекона қилиб айтганда, кексаларга ҳурмат-эҳтиром, меҳр-оқибат кўрсатиш маънавий ҳаётимизнинг том маънодаги ажралмас қисмига айланган»**

Юртбошимизнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 22 йиллигига бағишланган тантанали маросимда миллий қадриятимизнинг энг улуғ кўринишларидан бирига берган баҳоси замирида бир олам маъно мужассамдир. Бундай қадриятлар кундалик ҳаётимизга шу қадар сингиб кетганки, уларнинг нечоғли олижаноб эканини ҳар доим ҳам сезавермаймиз.

Мустақиллик шарофати билан азалий миллий байрамимиз — Наврўз айёмини ҳар йили тўкин дастурхон атрофида нишонлай бошладик. Ушбу қутлуғ кун бизнинг маҳалламизда ҳам каттаю-кичикнинг бирдай шодиёнасига айланади. Шу боис одатдагидек сайлга эртароқ бордим. Мақсад — савоб ишга қўлдан келганча ҳисса қўшиш. Аммо бу сафар ундай бўлмади. Хизматга бел боғлаган маҳалламиз йигитлари пешвоз чиқиб, қариялар гурунглашиб ўтирган тўрдаги жойга бошлади. Бундан, бир томондан, кўнглим кўтарилган бўлса, иккинчи томондан кексалар сафига қўшилганимдан бироз ўксигандай ҳам бўлдим. Лекин...

Орадан кўп ўтмай атроф маҳаллалардан меҳмонлар кела бошлашди. Уларнинг энг олдида ёши улуғ, кайвони қариялар. Сўнгра мен тенги кексаликка номзодлар, ундан кейин қирқ-эллик ёшдагилар, сафнинг охирида эса қирчиллама йигитлар. Худди аскарлар каби тартиб билан келишарди. Фарқи — мансаби ва унвонида эмас, ёшида. Ушбу ҳолатни кузатар эканман, беихтиёр ўзбекона урф-одатларимизда миллий маънавиятимиз нечоғли мужассам эканлигига беихтиёр тан бердим.

3

## БАЙРАМДА ОБ-ҲАВО ҚАНАҚА БЎЛАДИ?

**УШБУ САВОЛ КЎПЧИЛИКНИ ҚИЗИҚТИРАЁТГАНИ ТАБИИЙ. ЯНГИ ЙИЛДА ҲАММАМИЗ ПАҒА-ПАҒА ҚОР ЁҒИШИ, МАЗЗА ҚИЛИБ ҚОРБЎРОН ЎЙНАБ, ҚОРБОБОЛАР ЯСАШНИ ХУШ КЎРАМИЗ. БИРОҚ СОҲА МУТАХАССИСЛАРИ ЙИЛ АЛМАШАДИГАН ПАЙТДА НИСБАТАН ИЛИҚ ҲАРОРАТ КУЗАТИЛИШИНИ ТАЪКИДЛАМОҚДАЛАР. ХУСУСАН, РЕСПУБЛИКАМИЗ БЎЙЛАБ ҲАРОРАТ КЕЧАСИ 0...+5, КУНДУЗИ +1...+6 ДАРАЖА АТРОФИДА БЎЛИШИ КУТИЛЯПТИ. АММО БУ ЮРТДОШЛАРИМИЗНИНГ БАЙРАМНИ КЎТАРИНКИ КАЙФИЯТДА ЎТКАЗИШЛАРИГА МОНЕЛИК ҚИЛМАЙДИ. ЗЕРО, ИЛИҚЛИКНИНГ ҲАМ ЎЗ ГАШТИ БОР!**

## Журналистлар учун брифинг

**Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитасида O`zLiDePнинг сайловдаги иштироки ва дастлабки натижалари юзасидан оммавий ахборот воситалари ходимлари учун брифинг ўтказилди. Унда, энг аввало, мазкур сайлов юксак савияда, очиқлик, ошкоралик ва адолатлилик сингари демократик тамойиллар асосида ўтказилгани эътироф этилиб, сайлов кутилганидан-да муросасиз тарзда, партиялараро кучли рақобат муҳитида кечганлиги, O`zLiDeP парламент қуйи палатасига сайлов якунланган округларида 41,2 фоиз ўрин эгаллагани таъкидланди.**

## Ўзбекистон-Баҳрайн — 17:0

**Келаси йил Хитойда футбол бўйича қизлар (U-16) ўртасида ўтказиладиган Осиё чемпионатининг саралаш босқичида Баҳрайн терма жамоасига қарши майдонга тушган қизларимиз рақиб дарвозасига 17 та жавобсиз тўп киритишга муваффақ бўлди. Ўзбекистон Футбол федерациясининг хабар беришича, гарчи Баҳром Норсафаров мураббийлигидаги мамлакатимиз терма жамоаси шу тариқа Чин юртида ташкил этиладиган қитъа мусобақаси йўлланмасини ҳал қилиб қўйган бўлсалар-да, ОФК томонидан тасдиқланган регламентга мувофиқ, Манама шаҳрида бўлиб ўтаётган беллашувлар доирасида мезбонлар билан яна бир марта баҳслашадилар. Иккинчи учрашув бугун (25 декабрда) бўлиб ўтади.**

## «ВАТАНИМИЗНИНГ ЭРТАНГИ КУНИ УЧУН МАСЪУЛЛИГИМИЗНИ ҲИС ЭТДИК»




*Миллий сайлов қонунчилигимизда халқаро андозаларга мос тарзда мустаҳкамланган мукаммал тартиб-қоидалар сайлов жараёнини самарали ташкил этиш ва ўтказиш учун кенг жамоатчиликни жалб этишга, шунингдек, сиёсий партиялар, оммавий ахборот воситалари ҳамда сайлов кампаниясининг қонуний ўтказилишига масъул органлар фаолиятини демократик тарзда ташкил қилишга хизмат қилди. Мазкур сиёсий воқеа халқимизнинг ҳуқуқий-демократик давлат қуриш, жамиятни демократлаштириш ва янгилаш борасидаги хоҳиш-истагини рўёбга чиқариш йўлидаги навбатдаги муҳим қадам бўлди.*

*Газетамиз мухбирлари шу куни пойтахтимиздаги кўплаб сайлов участкаларида бўлдилар. Юртдошларимизнинг муҳим сиёсий жараёнга муносабати, сайлов комиссиялари, участкалари фаолияти ҳамда партиямиз хусусидаги фикр-мулоҳазаларини ёзиб олдилар.*

2

## Ўн ойда — 930,5 мингта. Бундан хабарингиз борми?

**... Дилшод хорижда ишлаб қайтган дўстини гапга солди.**

**— Хўш, қалай? Нима иш қилдинг?**

**— Эй дўстим, касалдан бошқа ҳеч вақо орттириб келолмадим. Оилам олдида юзим шувут бўлди.**

**— Айб ўзингда, оғайни. Мана, юртимизда ишлаб ҳам бировдан кам бўлганим йўқ. Қолаверса ота-онам, фарзандларим олдидаман... Энди нима қилмоқчисан?**

**— Бирор иш топсам дегандим.**

**— Яқинда туманимизда очилган янги корхона ишчиларни қабул қилаётган экан. Юр, бориб кўрамиз...**

**Ҳа, кимдир чет элда мўмай пул топаман деб қулликка тушиб қолган, яна кимдир топган пулини ўша ёқдан орттириб келган касалини даволашга етказа олмаяпти. Бугун мамлакатимизда аҳолининг меҳнатга лаёқатли қисмини иш билан таъминлаш мақсадида олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар ўз самарасини бераётганидан наҳот уларнинг хабари бўлмаса?**

**Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигининг маълумотига кўра, жорий йилнинг январь-ноябрь ойларида жами 930,5 мингта янги иш ўрни ташкил этилди. Мазкур кўрсаткичнинг 341,6 мингтаси кичик корхоналар ва микрофирмалар улушига тўғри келди.**

**Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Президентимизнинг 2014 йил 7 апрелдаги «Ўзбекистон Республикасида инвестиция иқлими ва ишбилармонлик муҳитини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонига мувофиқ, саноатнинг кўп меҳнат талаб қиладиган тармоқларидаги кичик корхоналарнинг йиллик чекланган ишчилар сони оширилиши мамлакатимизда аҳоли бандлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.**

**Шундай экан, олдингиздан оққан сувнинг қадрига етинг. Бандлик марказларига мурожаат қилинг. Шунда Дилшоднинг дўстига ўхшаб афсусланиб қолмайсиз.**

## БУГУНГИ СОНДА:

**ЖАРАЁН**
Жамғарма ишончни оқлаяптими? 4



**ҚУЙИ БЎҒИНЛАРДА**
Салоҳиятни рўёбга чиқараётган фаоллик 5



**ИСЛОҲОТ**
ННТлар фаолияти журналистлар нигоҳида 6



**СЎНГГИ САҲИФА**
Янги йил дастурхони соғлиққа зиён етказмаслиги учун.. 8



**Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти**

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2014 йил 23 декабрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)

**) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*

| | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 Австралия доллари | 1972,28 | 1 АҚШ доллари | 2418,20 | 1 Хитой юани | 388,55 | 1 Польша злотийси | 695,18 | 1 ЕВРО | 3000,66 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 3781,82 | 1 Миср фунти | 338,21 | 1 Россия рубли | 39,85 | 1 СДР | 3514,98 | 10 Жанубий Корея вони | 22,06 |
| 1 Дания кронаси | 397,94 | 1 Исландия кронаси | 19,11 | 1 Украина гривнаси | 153,35 | 1 Туркия лираси | 1044,31 | 10 Япония иенаси | 202,36 |
| 1 БАА дирҳами | 658,37 | 1 Канада доллари | 2084,84 | 1 Малайзия ринггити | 693,69 | 1 Швейцария франки | 2460,77 | | |

# МУНОСАБАТ

# «ВАТАНИМИЗНИНГ ЭРТАНГИ КУНИ УЧУН МАСЪУЛЛИГИМИЗНИ ҲИС ЭТДИК»

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ▼



**Лазиз ХУДОЙБЕРДИЕВ, Тошкент темир йўл муҳандислари институти 2-курс талабаси:**

— Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларга ёшлар бефарқ эмас. Юқори савияда ўтказилган сайлов эса эртанги кунимизни ўзимиз белгилашимизга имкон берди. Мен сайловда илк бор қатнашиб, O`zLiDeP номзодлари учун овоз бердим. Нега? Чунки бу партия тадбиркор юртдошларимизни қўллаб-қувватловчи сиёсий кучдир. Ишбилармонлар қанчалик кўпайса, рақобат тобора кучайиб, нарх-наво шунчалик арзонлашади, хизматлар сифати ҳам шу қадар юксалади. Атрофимизга назар ташлайлик: чинакам тадбиркор қандай ишга қўл урмасин, унинг ўзидан ҳам кўра одамлар, аҳоли кўпроқ наф кўраяпти. Бинобарин, хусусий бизнес вакилларини ёқлаб овоз беришни фаровон, бахтли ҳаёт учун овоз бериш, деб тушунаман.



**Фотима АЧИЛОВА, Яккасарой туманидаги «Туркистон» МФЙ раисининг диний-маърифий ва маънавий-ахлоқий масалалар бўйича маслаҳатчиси:**

— Жамоатчилик билан доимий иш олиб борувчи бир фуқаро сифатида шуни айтишим зарурки, сайлов ҳар томонлама юксак даражада ташкил қилинди. Ҳамюртларимиз бу галги сайловда ҳар қачонгидан кўра фаолроқ қатнашдилар. Бу эса уларнинг ижтимоий-сиёсий онги ва маданияти анча ўсганидан далолат. Шу ўринда бир мулоҳазани баён этмоқчиман: 10 йил илгари ҳам Ўзбекистонда сиёсий партиялар бор эди, ҳозир ҳам бор. Лекин айримларининг жамиятимиз ҳаётига таъсири деярли сезилмасди. O`zLiDeP эса ўз фаолияти мобайнида фуқароларимизнинг тафаккури бойиши, янгиланишига салмоқли ҳисса қўшди. Партиянинг бирор янги ташаббуси, таклифи борасида гап кетганда, «Ҳа, бу иш лидепчилар қўлидан келади», деган гапларни одамлардан кўп эшитганман, унинг амалий ишлар партияси эканига ўзим ҳам шоҳид бўлганман. Табиийки, ижобий таъсир ва эзгу ишларнинг яна давом этишидан, мазкур сиёсий куч қамрови узлуксиз кенгайишидан манфаатдор фуқаро сифатида мазкур партия номзодлари учун овоз бердим.



**Фазлиддин СУЛТОНОВ, «Ўзқурилишматериаллари» акциядорлик компанияси ходими:**

— Сайлов участкаси тегишли талабларга мувофиқ тарзда, қизғин ва самарали фаолият юритди. Масъул шахсларнинг бенуқсон фаолияти таҳсинга сазовор. Айни пайтда аҳолининг сиёсий саводхонлиги ғоят юксалгани кўзга ташланди.

Шу ўринда бир фикр билдирсам:«Партиянинг тақдирини сайловчи ҳал қилади», деган мазмундаги гап-сўзлар қулоғимга чалинган. Бундай қарашларга қўшилмайман. Сиёсий партия ўз тақдирини ўзи белгилайди. Мен каби сайловчилар эса унга ўз баҳосини берадилар, муносабатларини билдирадилар, холос. Хусусан, мен ҳамиша O`zLiDeP дастурий мақсадларини қўллаб-қувватлаб келганман. Чунки унинг ғоялари замирида бунёдкорона куч мужассамлашганини озми-кўпми тасаввур қила оламан. Масалан, тадбиркор танишларим, дўстларим бири-биридан кўркам турли иншоотлар қураяптилар, ишлаб чиқариш корхоналарига асос солаяптилар...

Ана шундай ишлар орқали Ватанимиз иқтисодий, демакки, ижтимоий-сиёсий жиҳатдан тобора мустаҳкамланишига катта улуш қўшаяптилар. Партиянинг «Кучли ўрта синф — мустаҳкам, рақобатбардош иқтисодиёт — мамлакат равнақи демак» шиорига муносиб равишда иш олиб бораверишига ишонаман.



**Зумрад НИЯЗОВА, Чилонзор туманидаги 270-умумтаълим мактаби ўқитувчиси:**

— Сайловга ниҳоятда пухта ҳозирлик кўрилгани яққол кўзга ташланди. Масъуллар зиммаларига юклатилган ишларга сидқидилдан ёндашганига гувоҳ бўлдим. Сайлов участкасида хоҳиш-иродамизни эркин ифода этиш учун барча шароит муҳайё. Мисол учун, мен номзодлар, уларнинг сайлов дастурлари ҳақидаги маълумотлар билан муфассал танишиб чиқишга муваффақ бўлдим. Фурсатдан фойдаланиб, сайлов комиссияси аъзолари, барча ташкилотчиларга бир сайловчи сифатида самимий миннатдорлик билдирмоқчиман. Мавриди келганда, O`zLiDePдан қўйилган номзодлар вакиллик органларидан кўпроқ депутатлик ўрнини қўлга киритишига тўла хайрихоҳ эканимни маълум қилмоқчиман. 2009 йилги сайловда ҳам биз шу партия номзодларига овоз бергандик. Очиғи, адашмаган эканмиз. Жумладан, ўтган даврда биз истиқомат қилувчи «Бешқўрғон» маҳалласида гузар қурилди, ички йўллар асфальтланди, Бешёғоч даҳасига автобус қатнови йўлга қўйилди. Буларнинг ҳаммаси партия вакилларининг сўзи билан иши бирлигини кўрсатмоқда. Бинобарин, сайлов бюллетенларини олар эканмиз, Ватанимизнинг эртанги куни учун масъуллигимизни яна бир карра чуқур ҳис этдик.



**Карима ШОҚОСИМОВА, 1-Тошкент педагогика коллежи битирувчиси:**

— Сайловда биринчи маротаба иштирок этишим. Участкада масъулиятли жараённинг барча босқичлари яхши йўлга қўйилгани, тегишли ахборотларни олиш учун қулай шароит яратилгани менга маъқул бўлди. Бу ернинг сайловчилар билан бунчалик гавжум бўлишини, тўғриси, кутмагандим. Буни одамларнинг маънавий, сиёсий ва ҳуқуқий қиёфаси ижобий тарафга нечоғли ўзгарганининг яна бир тасдиғи, дейиш мумкин. Яна бир гап: ўтган йили O`zLiDeP ташкил қилган учрашувда иштирок этгандим. Тадбирга Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, партия фаоллари ташриф буюришди. Биз — йигит-қизлар партиянинг Ҳаракат дастури, олдига қўяётган вазифалари юзасидан саволлар бердик. Депутатлар саволларимизга ўз фаолияти мисолида жавоб бердилар. Ана шу жонли мулоқот сиёсий қарашларимни бутунлай ўзгартириб юборди. Дарҳақиқат, ушбу партия мулкдорлар, ўрта қатлам манфаатини кўзлаб, уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари муҳофазаси бўйича катта ишларни амалга ошираяпти. Мен эса келгусида хусусий ўқув маркази очишни ният қилганман. Шу сабаб, O`zLiDeP номзодлари учун овоз бердим.



**Лазиз БОТИРОВ, Тошкент 1-юридик коллежи битирувчиси:**

— Орзуим ушалди. Миллионлаб тенгдошларим қатори сайловда илк бор овоз бериш ҳуқуқига эга бўлдим. Биринчи синфга борган куним, коллежга илк қадам қўйганим, фуқаролик паспорти олганимда ҳам худди шундай қувонган эдим.

Эътиборлиси, сайлов участкасига ташриф буюрган заҳотим сайловда биринчи марта иштирок этаётганим туфайли мени эсдалик совғалари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг сўнгги нашрини тақдим этиш билан кутиб олишди.

Ҳар бир сайловчи кимга ва нима учун овоз беришини мустақил ҳал этиш ҳуқуқига эгадир. Шу боис барча номзодларнинг сайловолди дастури билан танишиб чиқар эканман, менга айниқса тадбиркорлар, фермерлар, хусусий сектор вакиллари, интеллектуал мулк эгалари манфаатларини ҳимоя қилиб келаётган O`zLiDeP ғоя ва мақсадлари манзур бўлди. Шу боис овоз бериш хонасида аниқ бир қарорга келишда иккиланмасдан O`zLiDeP номзодларига овоз бердим. Боиси ушбу партия ёшларга доир бир қатор лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этиб келаётганидан бохабарман. Хусусан, «Диплом билан — бизнесга» лойиҳасини олайлик. Бу орқали партия касб-ҳунар коллежларини тамомлаган тенгқурларимнинг бизнес лойиҳаларини ривожлантириш, уларга тадбиркорлик фаолиятини бошлаши учун иқтисодий ҳамда ҳуқуқий жиҳатдан кўмак бериб келмоқда. Зеро, коллеж битирувчилари бандлигини таъминлаш, умуман, ёшларда ишбилармонлик маданиятини юксалтиришга қаратилган аниқ вазифаларни амалга ошириш бугуннинг долзарб масалаларидан биридир.



**Ҳилола АЗИМОВА, «MAXSUSENERGOGAZ» акциядорлик жамияти муҳандиси:**

— Эрта тонгдан пойтахтимиздаги 338-сайлов участкасининг овоз бериш кабинасига кириб, қўлимда бюллетень билан қути олдида ёлғиз қолганимда сайловнинг нақадар масъулиятли жараён эканини, келажагимиз қайси партия вакилига овоз беришимга ҳам боғлиқлигини чуқур ҳис этдим. Сайловолди ташвиқоти давомида номзодлар билан бўлган учрашувларда уларнинг ҳаёт йўли, иш тажрибаси, интеллектуал салоҳияти билан яқиндан танишган эдим. Ана шу учрашувларда тадбиркорлик ва ишбилармонликни олға сураётган O`zLiDeP номзодининг сайловолди дастури менда яхши таассурот қолдирди.

Айтиш жоизки, ҳозирги кунда жамиятимизнинг ҳар бир аъзоси ушбу қатламга, яъни кичик бизнесга у ёки бу даражада дахлдор. Чунки ҳар йили ўртача бир миллион атрофида яратилаётган янги иш ўринларининг асосий қисми айнан хусусий сектор ҳиссасига тўғри келаётгани кўпчиликка маълум. Партия томонидан кўрсатилган номзодларнинг дастурида яна бир жиҳат эътиборимни тортди. Яъни, мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида хотин-қизларнинг ролини ошириш, уларнинг тадбиркорликка қизиқишини янада кучайтириш, опа-сингилларимизни ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, шу жумладан, маҳаллий шароитдан келиб чиқиб уларни касаначиликка фаол жалб этиш каби масалаларга алоҳида эътибор қаратилганидадир. Менда ҳам ўз бизнесимни йўлга қўйишга иштиёқ пайдо бўлди. Шу боисдан O`zLiDeP номзодларига овоз бердим.



**Абдурасул НАЗАРОВ, Яшнобод туманидаги 151-умумтаълим мактаби ўқитувчиси:**

— Саҳардан сайлов участкаси байрамона безатилиб, сайловга оид зарур маълумотлар ва жиҳозлар билан таъминланган, сайловчиларнинг юзида кўтаринкилик акс этиб турибди. Участка хоналарида зарур техника ва кўргазмали воситалар, сайловчиларнинг маълумот олишлари учун сайлов тўғрисидаги қонунлар тўпламига доир тегишли рисолалар бор. Тиббиёт, оналар ва болалар хоналари ҳам намунали жиҳозланган. Қисқаси, сайлов участкасида сайловчиларнинг конституцион ҳуқуқларини амалга ошириш учун барча шарт-шароитлар муҳайё. Бу эса муҳим сиёсий жараёнга пухта ҳозирлик кўрилганидан далолатдир.

Маълумки, ҳозирги кунда жаҳон иқтисодий инқирози давом этаётганига қарамасдан, дунёнинг саноқли давлатлари қаторида Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулотнинг йиллик ўсиш суръатлари сўнгги 10 йил давомида 8 фоиздан зиёд бўлиб келмоқда. Бунда тадбиркор ва ишбилармонларнинг салмоқли улуши бор, албатта.

Овоз бериш кабинасига қадам қўйишдан аввал кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг иқтисодиётдаги улуши янада ортаётганини ҳамда тадбиркорликни кенг ривожлантириш, шу орқали аҳоли турмуш фаровонлигини юксалтиришга оз бўлсада ҳисса қўшиш мақсадида O`zLiDeP номзодларига овоз беришга қарор қилдим.

**Беҳзод ИСРОИЛОВ, Акбар МУЗАФФАРОВ, Солиҳ ЗОИР ва Шуҳрат РАҲИМОВ** (суратлар) «XXI asr».

## Тошлоқлик Салим фермер

**Тошлоқ туманидаги «Мухтор МЗХТ» фермер хўжалигида сутни қайта ишлаш тармоғи барпо этилганига ҳали унча кўп бўлгани йўқ. Шундай бўлса-да, кичик корхонада тайёрланаётган қатиқ, қаймоқ, сметана, творог, пишлоқ каби 10 хилдаги сут маҳсулотлари ички бозорда ўз харидорини топишга улгурди. Бу борада имтиёзли банк кредитлари муҳим аҳамият касб этганлигини алоҳида таъкидлаш ўринлидир.**

**— Германиядан сутни қайта ишлаш ускунасини олиб келиб ўрнатганмиз, — дейди хўжалик раҳбари Салимжон Қодиров. — Шунинг орқасидан даромадимизга-даромад қўшилмоқда. Мавжуд 10 бош зотдор сигирнинг ҳар биридан кунига 20-25 литрдан сут соғиб олиняпти. Маҳсулотлар сифати махсус лабораторияда доимий таҳлил қилиб борилади. Шу боис уларга бўлган талаб кундан-кунга ошмоқда. Келгусида фаолиятимизни янада кенгайтириб, маҳсулотлар турини кўпайтириш, қўшимча иш ўринлари яратишни кўзда тутаяпмиз.**

**Чиндан ҳам омилкорликда ҳикмат кўп. Излаган имкон топади. Президентимиз соврини учун ўтказилган «Ташаббус-2012» кўрик-танловининг республика босқичида Салимжон Қодировга «Энг яхши фермер» номинацияси бўйича 2-ўринни эгаллаганлиги ҳам бежиз эмас.**

Муҳаммаджон МАҲМУДОВ.

## «Сиёвуш»дан «Эркатой болажон»гача

**Бухородаги «Сиёвуш» меҳмонхонасида «Ўз бизнесингни бошла» мавзуида семинар-тренинг бўлиб ўтди. Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Ўзбекистондаги лойиҳалари координатори, Хотин-қизлар қўмитаси ва «Тадбиркор аёл» ишбилармон аёллар ассоциацияси ҳамкорлигида ташкил этилган, Бухоро шаҳри ва Когон туманидаги касб-ҳунар коллежлари талабалари иштирок этган мазкур тадбирда ўз бизнесини бошлаш арафасида турган ёшларга малакали мутахассислар томонидан сартарошлик, қандолатпазлик, шунингдек, тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича маҳорат дарслари ўтказилди.**

**Семинар-тренинг давомида иш юритишнинг илк босқичида аҳамият бериш лозим бўлган ўзига хос хусусиятлар, мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун яратиб берилган шарт-шароитлар, хусусан, «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги қонун, соҳага оид бошқа бир қатор меъёрий ҳужжатларнинг мазмун-моҳияти бўйича атрофлича фикр алмашилди. Семинар якунида битирувчи қизлар бир нечта гуруҳга бўлинган ҳолда истиқболли бизнес-режалар тузиб, ўз лойиҳаларининг тақдимотини ўтказдилар.**

**Тадбир дастурига мувофиқ, иштирокчилар мактабгача ва мактаб ёшидаги ўғил-қизлар учун оёқ кийимларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Эркатой болажон» МЧЖда бўлиб, мазкур корхона иш фаолияти билан яқиндан танишдилар.**

Асхор ИСТАМОВ.

## Экспорт ҳажми ошмоқда

**Бухоро туманидаги «Маданият арттекс» Ўзбекистон – Россия қўшма корхонасининг ип-калава ишлаб чиқариш цехи реконструкциядан чиқарилди.**

**«Ипотекабанк»нинг туман филиалидан олинган 2,5 миллиард сўм кредит ҳамда корхонанинг ўз маблағи ҳисобига харид қилинган замонавий йигирув дастгоҳлари цехнинг ишлаб чиқариш қувватини янада оширди.**

**– Президентимиз раҳнамолигида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, қулай ишбилармонлик муҳити яратишга қаратилаётган алоҳида эътибор бизни кўпроқ меҳнат қилишга, изланиш ва фаолиятимизни янада кенгайтиришга ундамоқда, – дейди «Маданият арттекс» раҳбари Ориф Чориев. – Шу пайтга қадар хомашёнинг асосий қисмини катта маблағ сарфлаб, бошқа корхоналардан харид қилардик. Энди бунга ҳожат қолмади. Цехимиз қуввати аввалгига нисбатан беш баробар ошиб, кунига 2,5 тоннагача ип-калава ишлаб чиқариш имконияти яратилди.**

**Лойиҳани босқичма-босқич амалга ошириш жараёнида цехга яна 25 нафар ишчи қабул қилинади. Шунда йигирув, тўқув ва бошқа ёрдамчи цехлардаги жами ишчи-мутахассислар сони 90 нафарга етади. «Маданият арттекс» ип-калава ишлаб чиқариш цехининг реконструкция қилиниши корхонада арқон иплар, ишчи қўлқоплар ва нотўқима материаллар тайёрлаш ҳажмини ошириш имконини беради. Йил охирига бориб бу борадаги ўсиш 2013 йилга нисбатан 20 фоизга ошади.**

**Таъкидлаш жоизки, корхонанинг буюртма портфели россияликлар билан тузилган шартномалар асосида шаклланган. «Маданият арттекс»да тайёрланиб, «Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган» тамғаси остида 2014 йили экспорт қилинган маҳсулот миқдори қарийб 700 минг долларни ташкил этмоқда. Бу 2013 йилга қараганда 100 минг долларга кўпдир.**

Э.ЁДГОРОВ, ЎзА мухбири.

ЭЛ ЭЪТИБОРИДАГИ ЛИБЕРАЛЛАР

## Зарифа Бешариқдан хорижни кўряпти

**O`zLiDeP Фарғона вилоят кенгаши бугун ўз атрофига 11500 нафар аъзони жамлаган бўлиб, уларнинг 6300 нафарини аёллар ташкил этади. Маслакдош опа-сингилларимизнинг 627 нафари кичик бизнес ва тадбиркорлик тузилмалари, 112 нафари эса фермер хўжаликлари раҳбаридир**

**Аҳроржон МУСУРМОНОВ,**
«XXI asr»

Аёлларнинг сиёсий фаоллиги, жамиятдаги ўрни ва мавқеини ошириш бўлими мудири Гулбаҳор Турдиқулованинг таъкидлашича, 2014 йилнинг дастлабки 11 ойи давомида шаҳар ва қишлоқ жойларда партиявий вазифалардан келиб чиққан ҳолда 50 дан зиёд давра суҳбати, семинар, очиқ мулоқот ўтказилган бўлиб, мазкур тадбирларга 45 мингдан ортиқ хотин-қиз жалб этилган.

— Тадбирларда O`zLiDeP томонидан давлат ва жамият қурилишини либераллаштириш, бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни эркинлаштириш, шунингдек, ижтимоий-гуманитар йўналишлар бўйича амалга оширилаётган ишлар хусусида сўз юритилди. Бундан ташқари, «Оилавий тадбиркорликдан — мустаҳкам оилага», «Соғлом оила — мустаҳкам оила» каби лойиҳаларнинг ҳаётга татбиқ этилиши бўйича фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Сиёсий таълим маркази билан ҳамкорликда ўтказилган семинарларда эса асосий эътибор аёлларнинг ҳуқуқий билими, сиёсий фаоллигини кучайтиришга қаратилганини ҳам қайд этиш жоиз. Хусусан, Бешариқ туманидаги давра суҳбатида хотин-қизлар бандлигини таъминлаш мавзуси кўтарилган бўлса, Марғилон, Қува ва Қўқонда ташкил этилган тадбирларда эрта ва қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг салбий оқибатлари, репродуктив саломатлик ва соғлом оилани шакллантириш сингари мавзулар бўйича маърузалар қилинди.

Шу ўринда вилоят партия кенгаши ташаббуси билан хотин-қизларнинг тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқий билимлари ва ижтимоий фаоллигини кучайтириш мақсадида «Маҳалла — тадбиркорлик бешиги», «Фермерлик ҳаракати — ҳал қилувчи ижтимоий-сиёсий куч», «Мустақиллик туфайли мулкдор бўлдим», «Аёлларни кичик бизнес, тадбиркорлик ҳамда фермерликка жалб этиш: мавжуд муаммолар ва ечимлар» мавзуларида кўплаб тадбирлар ўтказилганини ҳам таъкидлаш лозим.

Мазкур лойиҳаларда қатнашган ва ўз бизнесини бошламоқчи бўлган 45 нафар хотин-қизга 2014 йилда молия муассасаларидан 2013 йилга нисбатан 1,5 баробар кўп, яъни 300 млн. сўмдан ортиқ имтиёзли кредит ажратилгани қувонарли, албатта.

— O`zLiDeP кўмагида «Микрокредитбанк» филиалидан 36 млн. сўм кредит олишга муваффақ бўлдим, — дейди «Данғара Жасурбек» деҳқон хўжалиги бошлиғи Зилола Эргашева. — Шу тариқа гўшт-сут маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйдим ва 10 нафар коллеж битирувчисини доимий иш билан таъминладим.

Ўз навбатида, партиянинг «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги қонунга мувофиқ ана шундай корхоналарни очишга кўмаклашиш йўлидаги саъй-ҳаракатларини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. Сўзимиз исботи сифатида яқинда ташкил этилган ўндан ортиқ янги оилавий корхонада юзга яқин иш ўрни яратилганини айтиб ўтиш жоиз. Масалан, мактабгача таълим, тиббиёт муассасалари ва санаторийлар учун кўрпа, матрас ва бошқа ётоқ анжомлари ишлаб чиқараётган «Мухлиса» оилавий корхонасида саккизта иш жойи очилди.

— Туманимиз вилоят марказидан нисбатан узоқроқда жойлашган бўлса-да, O`zLiDeP тавсиясига биноан яқинда қийинчиликсиз «Микрокредитбанк» Бешариқ филиалидан 30 млн. сўм миқдорида имтиёзли кредит олишга муваффақ бўлдим, — дейди янги тикувчилик цехини йўлга қўйган тадбиркор Зарифа Мамажонова. — Шу тариқа 12 нафар ҳамқишлоғим иш билан таъминланди. Энди фаолиятимни янада кенгайтириб, сифатли маҳсулотларимизни хорижга сотишни мақсад қилганмиз.

МАСЛАКДОШЛАРИМИЗ ҲАҚИДА ҲИКОЯЛАР

## Бунақаси Сардобада топилмайди

**Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йўналишида фаолият кўрсатаётган субъектларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилаётгани боис нодавлат сектори тобора иқтисодиётимизнинг муҳим тармоқларидан бирига айланиб бормоқда**

**Дилора ЭСОНОВА,**
«XXI asr»

«Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши эса хусусий бизнес вакиллари сонининг янада ортишига кенг имконият яратди. Айнан мазкур қонун имтиёзларидан фойдаланиб, кўплаб оилалар фаровон турмуш кечира бошладилар. Сардоба туманидаги Эсоновлар оиласи шулар жумласидандир.

— Бу қонун, айниқса, ёш тадбиркорлар учун катта қулайлик яратди, — дейди Гулчеҳра Эсонова. — Бошқариш нисбатан осон бўлган оилавий корхонанинг қулай жиҳати шундаки, оила аъзолари бандлигини таъминлаш баробарида барчасининг бошини қовуштиради.

Гулчеҳранинг онаси Рисгул опа тикувчилик билан шуғулланади. Аёллар ва эркаклар либосидан тортиб, кўрпа-тўшак, ёстиқ-жилдлари тикишнинг ҳадисини олган. Ҳатто қўшни қишлоқларда ҳам Рисгул опага иши тушмайдиган хонадон кам топилади. У яхши ниятлар билан тўй қилганларга келиннинг сеп-сидирғасидан тортиб, тўй боланинг либосларигача кўз кўрса қувнайдиган қилиб тикиб беради. Ўғиллари Шуҳрат ва Шавкат ҳам оналаридан тадбиркорликни ўрганиб, аввалига 50 ўринли ошхона очишди. Молиявий имкониятлари ошгач, савдо дўкони ҳамда 100 ўринга мўлжалланган янги ошхона қуриб, ишга туширишди. Оила аъзолари ҳамда ҳамқишлоқларидан иборат 20 кишилик жамоага бугун ҳамманинг ҳаваси келади.

Қуш уясида кўрганини қилади, деганларидек оиладаги уч нафар қиз — Гулчеҳра, Малика, Лола ҳам бинойидек чевар бўлиб етишишди. 2011 йилда Жиззах педагогика коллежини тамомлаган Гулчеҳра ўз омадини синаб кўриш мақсадида «Ёш тадбиркор – юртга мададкор» кўрик-танловининг туман босқичида иштирок этди. Шунчаки ҳаваскор сифатида қатнашган қиз омади юришиб, 35 нафар йигит-қиз орасида ғолибликка эришди, танловга тақдим этган замонавий либослари вилоят ва республика босқичларида ҳакамлар ҳайъати эътиборига тушди ва Гулчеҳра нуфузли танловнинг мутлақ ғолиби бўлди.

— Бундай бўлишини сира кутмагандим. Махсус диплом ва имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификатни қўлга киритиш мен учун ҳақиқий омад бўлди, — дейди Гулчеҳра. — Касбимга янаям меҳрим ортди.

Эътиборлиси, ушбу хонадон келинлари — Комила ва Гулчиройлар ҳам қайнона тарбиясини олиб, қўли гул чеварга айланишди. Ҳамжиҳатликда эркаклар ва аёллар либослари, «элита» пардалар, чойшаб ва ёстиқ жилдлари, кўрпа-ёстиқ тикаётган бу чеварларнинг олдига тушадигани Сардобада топилмайди.

Айни пайтда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят бўлимида «Ёшлар ижтимоий хизматлар маркази» координатори вазифаси ҳамда тўқувчилик тўгараги раҳбари бўлиб ишлаётган Гулчеҳра қишлоқда замонавий тикувчилик цехини очиш ва аҳолига хизмат кўрсатиш турларини янада кенгайтириш билан бир қаторда ўндан зиёд янги иш ўрни яратишни ният қилиб турибди.

Яқинда тадбиркор қизнинг ҳаётида яна бир мазмунли саҳифа очилди. У Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — O`zLiDePга аъзо бўлди. Мақсади — тикувчилик цехи қошида бошланғич партия ташкилоти очиб, унга бош-қош бўлиш, партия фаоли сифатида O`zLiDeP ғояларини кенг тарғиб этган ҳолда сафдошлари сонини оширишдир.

# Тараққиётимизнинг тамал тоши

**O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитасининг партия Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси ва Тошкент давлат юридик университети ҳамкорлигида ўтказилган республика амалий семинари Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 22 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги «Мамлакатимизни демократик янгилаш ва модернизация қилишга қаратилган тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириш – бош мақсадимиздир» номли маърузасидан келиб чиқадиган устувор вазифалар муҳокамасига бағишланди**

**Дилноза НОМОЗОВА,**
«XXI asr»

Давлатимиз раҳбари маърузасида таъкидланганидек, ҳокимиятлар бўлинишининг конституциявий тамойилларини янада ривожлантириш, давлат ҳокимиятининг асосий субъектлари ўртасида ваколатлар тақсимотини оптималлаштиришни таъминлаш, ушбу соҳада Олий Мажлиснинг роли ва аҳамиятини сезиларли даражада кучайтириш, ҳукуматнинг парламент олдидаги масъулиятини ошириш бўйича кенг кўламли ишлар рўёбга чиқарилди.

Тадбир давомида иқтисодиётни демократлаштириш ва янада эркинлаштириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашнинг самарали механизмларини яратиш масалаларига давлат даражасида эътибор қаратилаётганлиги алоҳида қайд этилди. Хусусан, «Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида», «Рақобат тўғрисида», «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги (янги таҳрирда) ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун рухсат бериш тартиб-таомилларининг рўйхати ва турлари босқичма-босқич қисқартирилди. Мазкур қонун ҳужжатлари мамлакатимиз иқтисодиётини янада юксалтириш, бозор муносабатлари тизимида рақобат муҳитини кенгайтириш, эркин тадбиркорлик фаолиятининг ҳуқуқий кафолатини таъминлашга хизмат қилиши шак-шубҳасиз. Кейинги йилларда рухсат беришга оид тартиб-таомилларнинг 160 дан ортиғи ёки 44 фоизи, лицензиялаш талаб қилинадиган фаолиятнинг 19 тури ёки 25 фоизи бекор қилиндики, бу жойларда кичик бизнесни изчил ривожлантириш имконини бермоқда.

Сўзга чиққан партия фаоллари хусусий тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, бу борадаги тўсиқларни бартараф этиш ва мулкдорлар эркинлигини таъминлаш масалаларига кенг ўрин берилгани айни кунда ҳар қачонгидан катта аҳамият касб этишини таъкидладилар. Жумладан, O`zLiDeP фракцияси аъзоси М.Усмонов ўз чиқишида мамлакат миқёсида партиянинг сиёсий нуфузи тобора ошиб бораётганлигини эътироф этаркан, бўлажак сайловни юқори савияда ташкил этиш ва ўтказиш, депутатликка номзодларнинг омма олдидаги масъулиятини ошириш масалаларига тўхталди.

Шунингдек, семинарда ўрта синфнинг ўрни ва мавқеини мустаҳкамлаш, иқтисодиётимизнинг рақобатдошлигини таъминлаш, янги иш ўринлари яратиш орқали аҳоли ўртасида бандлик даражасини ошириш юзасидан муҳим фикр-мулоҳазалар ўртага ташланди.

Муҳокамалар якунида Президентимиз маърузаси юзасидан тарғибот-тушунтириш ишларини янада кучайтиришга қаратилган партиявий вазифалар белгилаб олинди.

# Интеллектуал мулк ва инновациялар

**Жаҳон бозорида рақобат кучайиб бораётган бугунги кунда юксак технологияларни ўзлаштириш ҳамда иқтисодиётга инновацияларни жорий этиш муҳим аҳамият касб этади. Бу жиҳат молиявий-иқтисодий инқироз оқибатларини бартараф этишнинг самарали йўли сифатида эътироф этилмоқда**



**Меҳриддин МУҲАММАДИЕВ,**
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,
O`zLiDeP фракцияси аъзоси

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистонда истиқлол йилларида бу борада изчил ислоҳотлар амалга оширилди. Замонавий технологиялар ва инновацион лойиҳаларни жорий этишга доир тизимли ишлар туфайли саноат корхоналари ва ишлаб чиқариш объектлари босқичма-босқич модернизация қилиниб, эски ишлаб чиқариш қувватларидан воз кечилди. Бу эса мамлакатимизнинг узоқ муддатли инновацион тараққиёт стратегияси ва миллий инновацион тизими мамлакат раҳбарияти томонидан белгилаб берилган истиқболли инновацион сиёсат асосида ишлаб чиқилганини кўрсатади. Хусусан, Президентимизнинг 2008 йил 15 июлдаги «Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорида илмий-тадқиқот муассасалари ва иқтисодиётнинг реал сектори корхоналари ўртасида ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш, илм-фан ютуқларини ишлаб чиқаришга кенг жорий этиш юзасидан қатор вазифалар белгилаб берилгани фикримиз тасдиғидир. Энг муҳими, янги техника ва технологиялар асосида ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш бизнес эгаларининг рақобатчилар олдидаги стратегик устунлигини таъминламоқда. Қолаверса, фан ва технология ютуқларидан самарали фойдаланиш иқтисодий хавфсизлик ва давлатнинг мустаҳкам тараққиётини белгилашда ҳал қилувчи омиллардан эканини алоҳида таъкидлаш жоиз. Мазкур омиллардан етарли даражада фойдалана олмаганлар эса глобал иқтисодий жараёнлардан ортда қолиши муқаррар. Тан олиш керакки, айни пайтда юқори технологиялар бозоридаги бизнес тизими ўз салоҳияти ва иқтисодий имкониятлари нуқтаи назаридан энергетик ва хом ашё ресурслари бозоридан фойдалироқ бўлиб қолмоқда.

Шунинг учун ҳам Президентимизнинг Конституциямиз қабул қилинганининг 22 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида илгари сурилган таклиф ва мулоҳазалар, интеллектуал салоҳиятдан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти самарадорлигини оширишда оқилона фойдаланиш масаласи O`zLiDeP учун устувор вазифага айланмоғи лозим. Бунда ёшлар ўртасида инновацион лойиҳаларни тарғиб қилиш орқали уларни тадбиркорликка жалб этишга катта аҳамият беришимиз, айни йўналишдаги партиявий лойиҳаларни янада кўпайтиришимиз мақсадга мувофиқдир. Бу эса ишлаб чиқаришни таркибий янгилаш, уни замонавий ва юқори технологиялар асосида жадал ривожлантиришга муносиб ҳисса бўлиб қўшилади. Шунингдек, қонунчилик тизимини янада такомиллаштириш, инвестиция сиёсати ва дастурларимизни ҳам ана шу мақсадларга мос ҳолда амалга оширишимиз даркор.

# Ўзбекнинг ўзбеклиги

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ▼

**Темур АБДУРАҲМОНОВ,**
«XXI asr»

Маросим тугаб, кузатиш чоғида ҳам худди юқоридаги каби ҳолат такрорланди. Ёшлар саф тартиб, кексаларнинг олдинга ўтишларини кутиб туришди...

Касбим тақозоси билан собиқ иттифоқнинг айрим республикаларида хизмат сафарида бўлганман. Катта-кичик тадбирлар, жумладан, тўй-тантаналарда иштирок этганман. Аммо ҳатто яқин қўшниларда ҳам ёши катталарга биздагидек иззат-икром кўрсатишларига гувоҳ бўлмаганман. Бу билан ўзга халқлар ёши улуғларни қадрламайдилар, деган фикрдан узоқман, албатта. Бироқ ўзбекона такаллуф, эъзоз ва эҳтиром барибир бошқача-да.

Шундай бўлиши табиий. Чунки қуш уясида кўрганини қилади. Ўзбек оиласининг эса ташқаридан сезилмайдиган ўзига хос ички қонун-қоидалари, ахлоқий мезонлари борки, айрим халқлар уларни ҳатто тасаввур ҳам эта олмасликлари мумкин. Масалан, ўзбек хонадонида дастурхон неъматларига фақат оила улуғларидан сўнггина қўл урилади. Нонуштадан сўнг ишга ёки ўқишга кетаётган ёшлар албатта улуғлар дуосини олишади. Қайтганларида ҳам аввал уларга учрашиб, салом берадилар. Бундан бобо ва момоларнинг кўнгли тоғдай кўтарилиб, фарзанду невараларини алқаб, дуо қиладилар.

Вақти-вақти билан яқинларни, айниқса, кексалар ва беморлар ҳолидан хабар олиб туриш ҳам миллий маънавиятимизни белгиловчи удумлар сирасига киради. Одамнинг одамлигини эслатиб турадиган бу каби йўқловларнинг тури кўп. Улар орасида энг улуғи зиёрат этиб, кўнгилни кўтаришдир.

17 йилдирки, энг улуғ байрамларимиздан бири — Ўзбекистон Конституцияси қабул қилинган кун тантаналарида кириб келаётган йилга ном бериш яхши анъаналардан бирига айланди. 2015 йилга «Кексаларни эъзозлаш йили» деб ном берилгани эса нияти пок, орзулари бисёр халқимизни тараққиётга янада руҳлантириши шак-шубҳасиздир.

Давлатимиз раҳбари алоҳида таъкидлаганидек: «Халқимизнинг қадимий ва шонли тарихини узвий давом эттиришга, шу тарихнинг ўчмас саҳифаларини, аждодларимизнинг буюк меросини, қадрият ва урф-одатларини ёшларимизга етказиш, ҳаётимизни тобора поклаш ва файзу баракали қилишда, бир сўз билан айтганда, уни маънавий юксалтиришда, бугун Яратганнинг бизга берган ҳар бир кунини маъноли ва сермазмун ўтказишда беқиёс ҳисса қўшаётган ота-боболаримизга ҳар томонлама ҳурмат, эъзоз ва эҳтиром кўрсатиш барчамиз учун ҳам қарз, ҳам фарз, деб ўйлайман».

Ҳа, аслида ўзбекнинг ўзбеклиги ҳам ана шунда.

**Якунланаётган йилдаги муҳим ижтимоий-сиёсий воқеа — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, шунингдек, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайлов юртимизнинг барча ҳудудларида кўтаринки руҳ ва юксак ташкилотчилик билан ўтказилди**







Солиҳ ЗОИР олган суратлар

# ФАОЛЛИК ВА ДАХЛДОРЛИК НАМОЙИШИ

Хусусан, Қорақалпоғистон Республикасидаги сайлов участкаларига 21 декабрь куни соат 06.00 дан фуқаролик бурчларини адо этиш учун рўйхатга олинган сайловчилар кела бошлади. Мазкур ҳududдан парламент қуйи палатасига 8 та, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига 65 та, маҳаллий кенгашлар депутатларини сайлаш учун ташкил этилган 413 та округда тўртта сиёсий партиядан кўрсатилган номзодларга бир миллион нафардан ортиқ сайловчи овоз берди.

Нукус шаҳридаги 16-сайлов участкасига эрта тонгдаёқ доимо эъзозда бўлган отахон ва онахонлар билан бир қаторда ёшлар ҳам етиб келди. Сайлов участкасида сиёсий партияларнинг кузатувчилари ва ваколатли вакиллари, мамлакатимиз ва чет эл оммавий ахборот воситалари ходимлари учун барча қулайликлар яратилган.

— Иккинчи бор сайловда иштирок этишим, — дейди Қорақалпоғистон Республикаси кардиология диспансери етакчи шифокори, Зулфия номидаги давлат мукофоти соҳибаси, O`zLiDeP аъзоси Замира Палваниязова. — Ўтган беш йил давомида парламентимиз мамлакатни модернизация қилиш, ҳаётимизни янада фаровон этиш учун самарали қонунчилик негизини яратди. Навбатдаги депутатлик корпуси, унда ўз ўрнини эгаллайдиган O`zLiDePнинг бўлғуси фракцияси эса бу борада янада баракали иш олиб боришига ишончим комил. Шу боис партиямиздан кўрсатилган номзодларга овоз бердим.

Ҳуқуқий демократик давлатнинг энг ёрқин белгиси бу сайловдир. Бинобарин, айнан мана шу жараёнда халқнинг хоҳиш-иродаси намоён бўлади. Андижонликлар ҳам бу муҳим тадбирда фаол иштирок этдилар.

Вилоятдаги 752 та сайлов участкасининг барчасида ушбу муҳим сиёсий жараённи халқаро андозалар даражасида ўтказиш учун пухта ҳозирлик кўрилди. Жумладан, 93-сайлов участкасида ахборот-коммуникация воситалари, техник жиҳозлар, тиббиёт хонаси, болалар учун махсус хоналар, кекса ёшдаги сайловчилар учун эса дам олиш хоналари ташкил этилганига гувоҳ бўлдик.

— Андижондаги ўзгаришларни кўриб ҳайратда қолдим, — дейди халқаро кузатувчи, Исроилнинг «Вестник» газетаси муҳаррири Валерий Сердце. — Юртингизда оламшумул янгиланишлар рўй берибди. Шаҳар ва қишлоқлардаги бунёдкорлик ишлари, айниқса, ёшлар учун яратилган шарт-шароитларга ҳавасим келди. Парламент Қонунчилик палатаси ва маҳаллий кенгашларга ўтказилган сайлов очиқ ва ошкоралик каби демократик принциплар асосида ўтказиляпти.

Бухоро вилояти бўйича жами 1 млн. 121 минг 439 нафар, яъни рўйхатдан ўтказилган сайловчилар умумий сонининг 91,3 фоизи конституциявий бурчини бажарди.

— Мен O`zLiDeP номзоди учун овоз бердим, — дейди ёш ҳунарманд Феруза Тўлаева. — Чунки бу сиёсий тузилма кенг қамровли, ҳар томонлама чуқур ўйланган, электорат манфаатини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган Сайловолди дастури билан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари, ҳунармандлар эътиборини ўзига жалб эта олган партиядир.

— Юртимиз мустақиллигини янада мустаҳкамлаш, давлатимиз иқтисодий қудратини ошириш, кучли фуқаролик жамиятини барпо этиш, хусусий секторнинг эмин-эркин фаолият юритишига ҳар томонлама кўмаклашиш O`zLiDePнинг бош мақсади эканлигини унинг Сайловолди дастури билан танишганимда яна бир бор амин бўлдим, — дейди бухоролик моҳир тадбиркор, «Совға» зардўзлик маркази раҳбари, «Шуҳрат» медали соҳиби Бахшулла Жумаев. — Шу боис айнан шу партия номзоди учун овоз бердим.

Мамлакатимиздаги тинчлик-осойишталик, фаровон турмушдан мамнун бўлган, эртанги кунга ишонч билан қараётган навоийликлар ҳам 21 декабрь куни фуқаролик позицияларини намойиш қилиш мақсадида вилоятдаги сайлов участкаларига ташриф буюрдилар.

— Навоийга оила аъзоларим билан бирга 1992 йилда Бошқирдистондан кўчиб келганман, — дейди 78 ёшли Муса Каюмов. — 14-сайлов участкасида бизга маъқул бўлган номзодлар учун овоз бердик. Биздан ташқари, рус, арман, қозоқ, тожик ва бошқа миллатга мансуб маҳалладошларимиз ҳам сайловда фаол иштирок этганини айтиб ўтиш жоиз. Бу эса турли миллат вакилларига тенг шароит яратилганидан далолат. Ўзбекистонимиздаги тинчлик-осойишталикка кўз тегмасин. Фурсатдан фойдаланиб, мамлакатимиздаги кенг кўламли бунёдкорлик, ободончилик ишлари, беқиёс янгиланишлар, миллатлараро тотувлик, қолаверса, ёшларга бўлган эътибор, нуронийларга кўрсатилаётган ғамхўрлик учун Навоийдаги татар миллий-маданий маркази вакиллари номидан чуқур миннатдорлик изҳор этмоқчиман.

Юртимизнинг барча минтақаларида бўлгани каби Сирдарё вилоятида, хусусан, ҳудуддаги 260 та сайлов участкасида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари маҳаллий кенгашларига сайлов бўлиб ўтди. Эътиборлиси, куннинг биринчи ярмидаёқ Гулистон шаҳрида 86,3, Сардоба туманида 80,1, Гулистон туманида эса 79,8 фоиз сайловчи ўзи танлаган номзодлар учун овоз бергани маълум бўлди.

Вилоят сайлов комиссияси маълумотларига кўра, жойларда овоз бериш жараёнида қонун бузилиш ҳолатлари кузатилмади. Сайлов жараёни фуқароларнинг юксак сиёсий фаоллигида ўтди.

Масалан, Сайхунобод туманидаги 153-сайлов участкасида 2029 нафар сайловчи рўйхатга олинган бўлиб, уларнинг салкам 90 фоизи ўз фуқаролик бурчини адо этди.

— Сайловга икки ўғлим ва икки келиним билан келдим, — дейди Турон маҳалла фуқаролар йиғини диний-маърифий, маънавий ишлар бўйича маслаҳатчиси Мария Бабаярова. — Унда қатнашиш орқали мамлакатимиз истиқболини белгилаш жараёнига ҳисса қўшиш имкониятига эга бўлдик. Чунки биз ишонч билдирган номзодлар мамлакат парламентида Ватанимизнинг эртасини яратувчи қонунлар ишлаб чиқадилар, вилоятимиз, туман ва шаҳарларимиз келажагига дахлдор қарорлар қабул қиладилар.

Сайлов Самарқанд вилоятида ҳам қизғин кечди. Буни сайлов участкаларига келиб, овоз берган ҳамюртларимиз кайфиятидан ҳам англаш мумкин эди.

— Сайловда биринчи бор қатнашишим, — дейди Самарқанд санъат коллежи талабаси Мадина Фахриддинова. — Мазкур тадбир иштирокчисига айланганимдан хурсандман. Номзодлар рўйхатини ўқир эканман, жуда ҳаяжонланиб кетдим. Зеро, менинг овозим ҳал қилувчи бўлиши мумкин. Шу боис аввал номзодлар ҳақидаги маълумотларни яна бир бора кўздан кечириб, ўзим лойиқ деб ўйлаган номзодга овоз бердим. Орзуларим бисёр, белгилаб олган режаларим ҳам жуда катта. Умид қиламанки, бугунги сайловнинг самарали ўтиши мен каби ёшларнинг эртанги тақдири, бахтига ижобий таъсир кўрсатади.

— Самарқанд шаҳрида овоз бериш жараёнининг жуда фаол ўтганига гувоҳ бўлдим, — дейди Германия Бундестаги референти Андреас Ян. — Менда, айниқса, ёшларнинг сиёсий фаоллиги, кўтаринки кайфияти, дунёқарашининг кенглиги, атрофда содир бўлаётган воқеаларга тўғри ва холис муносабат билдира олиши катта таассурот қолдирди. Шаҳардаги бир неча сайлов участкасида бўлдим. Одамларнинг ҳамжиҳатлиги диққатимни тортди. Айниқса, Самарқанд давлат университетида жойлашган 63-сайлов участкасида ёшлар билан уюштирган суҳбатим узоқ вақт хотирамда сақланади, деб ўйлайман. Зеро, билимли, иқтидорли ёшлар ўз фикрини инглиз тилида бемалол, эркин баён қилиб, мени ҳайратга солди.

— Бу йилги сайлов мамлакатимизда вужудга келган янги сиёсий шароитда ўтаётганлиги билан олдинги сайловлардан сифат жиҳатдан катта фарқ қилади, — дейди Қашқадарё вилоят сайлов комиссияси раиси Шуҳрат Кўчқоров. — Концепция асосида Конституцияга киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар мамлакатимизда янгича сиёсий майдон вужудга келишига имкон яратди. Фуқароларнинг сайлов ҳуқуқи ва эркинлигини таъминлаш, демократик сайлов тизими ва халқаро меъёрларга мос келадиган миллий сайлов қонунчилигини шакллантириш борасида кенг кўламдаги чора-тадбирлар амалга оширилди. Сайлов куни барча участкалар эрталабки соат 06.00 да ўз иш фаолиятини бошлади. Сайловни ҳаққоний ва адолатли ўтказиш учун кузатувчилар ва ваколатли вакилларга тенг шароит яратилгани боис улар эмин-эркин ҳаракат қилиш имкониятига эга бўлдилар.

— Мамлакатимиз сайлов қонунчилиги умумэътироф этилган ҳуқуқий нормалар ва демократик стандартларга тўла мос келади, — дейди Шайхали шаҳарчасида яшовчи Асад Раҳимов. — Озод юртимизда эркин, адолатли ва демократик сайловларни очиқлик, ошкоралик ва транспарентлик руҳида ўтказиш учун барча зарур ҳуқуқий асослар мавжуд эканлигига яна бир карра амин бўлдим ва муносиб номзодлар учун овоз бердим. Ишонаманки, улар келгусида ўз билим ва тажрибаларини фаровон ва бахтли келажагимиз йўлидаги эзгу ишларга сарфлашади.

Тошкент вилоятида яшовчи 2 миллион 726 минг нафар аҳолининг 1 миллион 909 минг нафари сайловда иштирок этган бўлса, шунинг 121 минг нафардан ортиғи биринчи марта овоз берди.

— Сайловда илк бор қатнашишим, — дейди Чирчиқ тиббиёт коллежи талабаси Гулзира Рустамова. — Бу мен учун ҳам ҳаяжонли, ҳам ёдда қоларли воқеадир. Сайлов куни эрта тонгдан ота-онам билан 681-сайлов участкасига чиқиб, мустақил равишда, ҳеч иккиланмай, 84-Тўйтепа сайлов округидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига O`zLiDePдан кўрсатилган номзодга овоз бердим. Сабаби, бу партиянинг Сайловолди дастури, ўз электорати, аҳоли ўртасида олиб бораётган ишлари мени қониқтиради.

Сайловчилар билан мулоқот қилар эканмиз, уларнинг ушбу жараёнда фаол иштирок этаётганларига гувоҳ бўлдик. Улар сиёсий тадбирни ўтказиш билан боғлиқ барча ташкилий ишлар, хусусан, сайлов участкаларида «Оналар ва болалар», тиббиёт хоналари, кузатувчилар учун алоҳида жойлар тайёрлаб қўйилганидан мамнун эканликларини алоҳида таъкидладилар.

— Биласизми, бу галги сайлов оиламиз учун ўзгача руҳда ўтди. Сабаби —фарзандим Одилхон биринчи марта сайловда иштирок этди, — дейди ўртачирчиқлик Сайёра Низомова. — Ишончим комилки, бугун мен билан сайловга борган 18 ёшли ўғлим ҳам бир кун келиб фарзанди билан сайловга боради. Кимга овоз беришини эса унинг ўзи ҳал қилди.

Қарийб ҳар куни кўриб билиб юрибмиз, O`zLiDePнинг вакиллари қишлоқларимизда ижтимоий масалаларни ҳал этиш, айниқса, қўшимча иш ўринлари ташкил этиш борасида кўп хизмат қилмоқдалар. Масалан, шу йилнинг ўзида қишлоғимиз ҳудудидаги фермерлар касб-ҳунар коллежларини тугатган 20 нафардан ортиқ ёшни иш билан таъминлашди. Маҳалламизда бирор хонадон йўқки, қайсидир соҳада ўз бизнесини йўлга қўймаган бўлса.

Вилоят сайлов комиссияси маълумотлари бўйича жами 18 та шаҳар ва тумандаги сайлов участкаларида қонунбузилиш ҳолатлари қайд этилмаган. Дастлабки натижаларга кўра, жами 13 та округнинг 6 тасида O`zLiDePдан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига кўрсатилган номзодлар юқори овозга эга бўлдилар. Вилоятнинг 77-Ангрен ва 86-Чирчиқ сайлов округларида депутатликка номзодлар етарли овозга эга бўлмагани учун Марказий сайлов комиссияси томонидан ўрнатилган регламентга кўра қайта ўтказиладиган сайловда иштирок этадилар.

Бир сўз билан айтганда, вилоятда сайлов очиқлик, ошкоралик ва ҳамжиҳатлик билан ўтказилди. Юртдошларимиз бахтли ва фаровон эртаси учун юксак уюшқоқлик билан овоз бердилар.

**Вилоят мухбирлари хабарлари асосида Шуҳрат ХЎЖАЕВ тайёрлади.**

# ЖАРАЁН

## Ҳоким кўнглидагини ошкор қилди

Янги йил байрами арафасида «Андижон биокимё заводи» акциядорлик жамияти тасарруфида барпо этилган янги — 125 ўринга мўлжалланган мактабгача таълим муассасасининг очилиш маросими бўлиб ўтди.

«Истиқлол ниҳоллари» номли болалар боғчасининг жажжи эгалари ва ота-оналар уни эртаклар шаҳарчасига қиёслагани бежиз эмас. Зеро, муассасанинг дид билан безатилган ҳовлиси орқали бинога кирар экансиз, ўзингизни гўёки сеҳрли дунёга кириб қолгандек ҳис қиласиз.

Тадбирда сўзга чиққан вилоят ҳокими Шуҳратбек Абдураҳмонов бу ерда тарбияланадиган болажонларга чиндан ҳам ҳавас қилишини айтиб, болалар боғчаси энг замонавий муассасалар қаторида барпо этилганини эътироф этди. Шинам ва ёруғ хоналар, турли дарахтлар экилган боғ, спорт майдончалари, ёзги ва қишки бассейнларни кўрган, шунингдек, болаларнинг дам олиши, овқатланиши, хорижий тилларни ўрганиши учун яратилган шароитлар билан танишган мутахассислар бундай боғчалар сонини кўпайтириш зарур, деган хулосага келдилар.

— Очиғи, болаликка қайтгимиз келиб қолди, — дейди муассаса тарбиячиси Ферузахон Низомова. — Эътиборлиси, боғчанинг машғулот хоналари монитор, телевизор ва компьютерлар билан жиҳозланган. Ўз навбатида, муассаса ишга туширилиши муносабати билан бу ерда менга ўхшаган 25 нафар ходим доимий иш ўрнига эга бўлганини айтиб ўтиш лозим.

Элмира РАҲМОНОВА.

## СЎРАНГ, ЖАВОБ БЕРАМИЗ!

**«Коллеж битирувчисиман. Банкдан кредит олиб, ўз бизнесимни йўлга қўймоқчиман. Бу борада талабаларга қандай имтиёзлар яратилган? Шу ҳақда батафсил маълумот берсангиз.**
Раҳимжон АЛИМОВ, Тошкент вилояти».

— Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 28 июлдаги «Таълим муассасалари битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонига мувофиқ кўплаб коллеж битирувчиларига имтиёзли кредит ва микрокредитлар берилмоқда. Сиз ҳам ўзингиз яшаб турган ҳудуддаги банк муассасасига бу масалада мурожаат қилишингиз мумкин. Бунинг учун сизда бизнес-режа ҳамда кредит таъминоти учун керакли ҳужжатлар бўлиши талаб этилади.

Бизнес-режангиз асосида тижорат банклари сизга керакли миқдорда имтиёзли кредит ажратади. Башарти коллеж битирувчисининг микрокредит олиш учун таъминоти етарли бўлмаган тақдирда, яқин қариндошларининг (ота-она, ака-ука, опа-сингил) иш ҳақи тўғрисидаги маълумотномасини тақдим этиш орқали кафиллик бериш амалиёти жорий этилган.

*Саволга Марказий банк ҳузуридаги Тижорат банкларининг инвестиция портфелини мониторинг қилиш департаменти бошқарма бошлиғи Мухтор Шоназаров жавоб берди.*

## Замонавий технология ва иқтисодий ўсиш



**Қўқон шаҳридаги «Автосаноат компонент» масъулияти чекланган жамиятида 2013 йилда жами 4 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлса, 2014 йилнинг дастлабки тўққиз ойидаёқ бу кўрсаткич 4 млрд. 200 млн. сўмдан ошди. Шу даврда технологик жараёнларни янада такомиллаштириш мақсадида 1 млн. 976 минг АҚШ доллари миқдорида инвестиция киритилиб, Жанубий Кореядан замонавий ускуналар олиб келинди. 95 кишилик жамоа темир хом ашёсидан ўзимизнинг «Spark», «Cobalt», «Damas» автомобилларимиз учун 45 хилдаги кузовларга бутлаш қисмлари тайёрлаб бермоқда.**
**Ишлаб чиқариш бўйича директор ўринбосари Аъзам Сулаймановнинг айтишича, «Асака» банкининг 1 млрд. 125 млн. сўмлик кредити ҳисобидан ишлаб чиқариш бинолари таъмирдан чиқарилган.**
**2015 йилда корхона янада кенгайтирилиб, 120 та янги иш ўрни яратиш режалаштирилган.**
Солижон ЗОИРОВ олган суратлар.

## Кўрку салобати асрларга татигулик иншоотлар

**Ўзбекистон Республикасининг «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги қонуни ижроси юзасидан Тошкент шаҳар ҳокимлигида матбуот анжумани ўтказилди. Унда Архитектура ва қурилиш бош бошқармаси томонидан амалга оширилаётган ишлар ва галдаги вазифалар хусусида оммавий ахборот воситалари ходимларига атрофлича маълумот берилди**

**Рисолат МАДИЕВА,**
«XXI asr»

Таъкидланганидек, давлатимиз раҳбарининг 2000 йил 26 апрелдаги «Ўзбекистон Республикасида Архитектура ва шаҳар қурилишини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони соҳани янада ривожлантиришда асосий дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда. Кейинги йилларда пойтахтимизда бўй кўрсатган бунёдкорлик ишлари фикримизга яққол мисол бўла олади. Зеро, гўзал ва бетакрор Тошкент мамлакатимиз қудрати ва салоҳиятини дунёга намоён этаётган «Шарқ дарвозаси»дир. Шу боис кейинги йилларда уни янада ривожлантириш, жаҳондаги энг кўркам ва обод шаҳарлардан бирига айлантиришга катта эътибор қаратилмоқда.

Хусусан, замонавий лойиҳа асосида бунёд этилган Халқаро анжуманлар саройи, «Маърифат маркази», «Бунёдкор» стадиони, Ёшлар ижод саройи, Тасвирий санъат галереяси, «Пойтахт» бизнес маркази кўрку салобати асрларга татигуликдир.

— Тошкентнинг аҳоли зич яшайдиган «Эски шаҳар» ҳудуди бутунлай қайтадан бунёд этилмоқда, — дейди бошқарма бошлиғи Асомиддин Тожиев. — Фаробий, Сағбон, Қорасарой кўчаларида миллий андозадаги турар-жойлар, жамоат ва маъмурий бинолар қад ростлаяпти. Навоий, Фурқат ва Себзор кўчалари кесимида, Зарқайнар кўчасининг ер ости йўлагида кенг кўламли реконструкция ишлари амалга оширилди. Хадра майдонида пиёдалар ер ости йўли қурилди. Беруний, Чиғатой Дарвоза ва Сариёсув кўчалари, шунингдек, Анҳор каналидан Хуршид кўчасигача бўлган масофада олти қаторли янги айланма йўллар барпо этилдики, бу транспорт ҳаракатини тубдан яхшилаш имконини бермоқда. Ҳозирда ушбу ҳудудда қуриладиган турар-жой ва жамоат биноларининг шаҳарсозлик ҳужжатлари ишлаб чиқилмоқда. Айни кунда Навоий, Қоратош ва Самарқанд дарвоза кўчаларида бунёд этилаётган миллий услубдаги «Хаят Интернэшл» меҳмонхонаси, «Офис, савдо, маданий ва маиший хизмат кўрсатиш ҳамда бизнес маркази», кўп қаватли турар-жой мажмуалари, Зулфияхоним ва Абай кўчалари кесишмасида қурилаётган кўп қаватли турар-жойлар, жамоат иншоотларида пардозлаш ишлари жадал суръатда олиб борилаяпти.

Матбуот анжуманида, шунингдек, шаҳримиз марказидан оқиб ўтувчи Анҳор каналининг 3,7 километрли масофасида таъмирлаш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилаётганлиги хусусида ҳам ахборот берилди.

## «Avtotest 2.0» — Комилжоннинг ихтироси

Халқаро миқёсда татбиқ этилиши кутилаётган ушбу инновация барча автомактаблар ҳамда ҳаваскор ҳайдовчилар учун мўлжалланган. Мазкур электрон дастурдан дунёнинг истаган мамлакатида фойдаланиш мумкин.

Тошкент Сингапур менежментни ривожлантириш институтида тақдимоти бўлиб ўтган ноёб усул 276 соатлик ўқув дастури асосида ишлаб чиқилган бўлиб, 2000 дан ортиқ 3D форматдаги видеотренингдан иборат. Комилжоннинг ушбу ихтирога қўл уришида давлатимиз раҳбарининг 2013 йил 20 сентябрдаги «Мамлакатимизнинг дастурий таъминот воситалари ишлаб чиқувчиларини рағбатлантиришни янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори орқали яратилган шарт-шароитлар муҳим омил бўлди.

— Биз яратган ўқув қўлланмани хорижда амалиётга татбиқ этишга қизиқиш билдирилмоқда, — дейди унинг муаллифи К.Алламжонов. — Масалан, жорий йилнинг октябрь ойида жаҳонга машҳур «Forbes USA» журналида «Avtotest 2.0» электрон дастури инновацион ёндашув ва долзарб муаммони ечишга ижтимоий йўналтирилгани билан келажакда фойдаланиш мумкин бўлган ягона мукаммал электрон дастур эканлиги хусусида мақола чоп этилди.

Дарвоқе, мамлакатимизда ҳайдовчиларнинг билим ва маҳоратини ошириш, автомактабларда йўл ҳаракати қоидаларини ўқитишда замонавий ўқув дастури ва адабиётлардан фойдаланишга эҳтиёж юқори эканлиги ҳеч кимга сир эмас. Янги дастур эса йўл ҳаракати қоидалари таълимини янги босқичга олиб чиқишга хизмат қилади. Дунё мамлакатларида «Йўл ҳаракати қоидалари»нинг қарийб 80 фоизи бир хил бўлгани учун ушбу электрон маҳсулотни ҳар қандай бозорга осон мослаштириш ва экспорт қилиш мумкин.

Севара АЗИМОВА.

## ЗАМИН ШИФОКОРИ

**Мустақиллигимизнинг йигирма уч йиллиги арафасида давлатимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланганлар орасида «Фидокорона хизматлари учун» ордени соҳиби, O`zLiDeP фаоли, Сирдарё гидрогеология мелиоратив экспедициясининг бўлим бошлиғи Бердимурот Алимқулов ҳам бор**

1974 йилда Янгиер гидрогеология техникумини тамомлаган Бердимурод дастлаб Боёвут тумани мелиорация бўлимида техник мелиоратор, кейинчалик муҳандис вазифасида фаолият юритди. Бу даврда у тумандаги очиқ зовурларни тозалаш, ёпиқ-ётиқ дренаж тармоқларини таъмирлаш, қувурли ўтиш жойларини созлаш ишларига бош-қош бўлди.

Мирзаобод тумани мелиорация бўлимининг бошлиғи сифатида ишлаган йилларда эса тумандаги Беруний, А.Қулбеков, “Гулистон” сув истеъмолчилари уюшмалари ҳудудларида янги зовурлар қазиш, эскиларини тозалаб тартибга келтириш сингари ирригация-мелиорация ишларининг сифати ва самарадорлигига эътибор қаратди. Гектаридан аранг 10-15 центнердан ҳосил олиб келинган бу ҳудудларда пахта ҳосилдорлиги 20-25 центнер, ғалла унумдорлиги эса 40-42 центнерга кўтарилди. Ўз навбатида мазкур уюшмаларда қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқлари ҳам ривожланди, томорқа хўжаликларидан фойдаланиш самарадорлиги ортди. Айниқса, Оқолтин, Тошкент, Мирзо Улуғбек номли сув истеъмолчилари уюшмалари ҳудудидаги экин майдонлари “замин шифокорлари”нинг саъй-ҳаракати билан серҳосил ерларга айланди.

1997 йилда Бердимурот Алимқуловга масъулиятли вазифа – Сирдарё гидрогеология мелиоратив экспедициясининг мелиоратив тадбирлар дастурини шакллантириш ва лойиҳалашни ташкил қилиш бўлимига раҳбарлик қилиш топширилди. Бўлим зиммасига вилоят ҳудудидаги ер майдонларининг шўрланиш даражасини аниқлаш, тупроқ ҳолатини кузатиш бўйича таҳлил ишларини олиб бориш вазифаси юклатилганди. Тупроқдан олинган намуна лаборатория шароитида чуқур ўрганилиб, қайси ҳудудда шўр сув кўтарилаётгани, қайси экин майдонларидаги зовурларни тозалаш, янги ёпиқ-ётиқ дренаж тармоқлари ўрнатиш лозимлиги у бош бўлган мутахассислар назоратида бўлди. Тажрибали муҳандис-мелиоратор тупроқ ҳолатини кўздан кечириш, таҳлил қилиш, янги кадастр маълумотларини тайёрлаш, келгуси қилинадиган ишлар режасини тузиш ишларини ўз вақтида бажарилишига алоҳида эътибор қаратди.

Вилоятда 35 та лойиҳа амалга оширилиб, 18218,9 миллион сўмлик таъмирлаш-тиклаш, реконструкция қилиш ишлари бажарилди. 12 та экскаватор, 7 та бульдозер ва бошқа замонавий техникалардан унумли фойдаланиш эвазига вилоятда ўтган йили 11151 гектар майдоннинг ҳолати яхшиланиб, тупроқ унумдорлигининг ошиши таъминланди.

Ҳалол ва фидокорона меҳнати туфайли элга танилган Бердимурот Алимқулов 2007 йилда “Республикада хизмат кўрсатган ирригатор”, Мустақиллигимизнинг 23 йиллиги тантаналари арафасида эса Ватанимизнинг юксак мукофоти — “Фидокорона хизматлари учун” ордени билан тақдирланди.

Бердимурот Алимқуловнинг ҳамкасблари билан суҳбатлашганимизда унга берилган баҳо оддий, аммо залворли бўлди. Соҳа билимдони, ўз касбининг фидойиси, камтарин инсон, Сайхун заминининг ҳақиқий шифокори.

**Дилора ЭСОНОВА.**

## ҚУТЛОВ




## ЖАМҒАРМА ИШОНЧНИ ОҚЛАЯПТИМИ?

**Бу саволга қуйидаги рақамларни таҳлил қилиш орқали жавоб топиш мумкин**

Саноатни модернизация қилиш, кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш бўйича амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар натижасида юртимизнинг бу борадаги салоҳияти йилдан-йилга юксалиб бораётир. Ана шу йўналишдаги ишларнинг муваффақиятини таъминлашда Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ҳузурида ташкил этилган Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳам муҳим ўрин тутмоқда.

Хусусан, 2014 йилнинг январь-октябрь ойларида жамғарма томонидан жами 674 та тадбиркорлик субъектига қурилиш, текстиль, кимё, озиқ-овқат саноати ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, туризм, транспорт, маркетинг, консалтинг хизматларини экспорт қилишда амалий ёрдам кўрсатилиб, умумий қиймати 727,2 млн. АҚШ долларига тенг товар ва хизматларни экспорт қилишга эришилди.

Шунингдек, 74 нафар тадбиркорга ташқи бозорни ўрганиш ва хориждан ишончли ҳамкор топишда амалий ёрдам кўрсатилди. 263 нафар тадбиркорга чет эллардаги халқаро кўргазма ва ярмаркалар, тендерларда қатнашишга рухсат берувчи сертификат ва лицензиялар олиш, божхона расмийлаштирувида зарур хизматлар кўрсатилган бўлса, яна 232 нафар тадбиркорга экспорт шартномаларини тузиш борасида маслаҳат берилди.

Жамғарма хорижий ҳамкорликни кенгайтириш мақсадида Жанубий Корея, Сингапур, Латвия, Испания, Бельгия, Қозоғистон, Литва, Хитой каби давлатларнинг ишбилармон доира вакиллари билан биргаликда учрашувлар, бизнес форум ва кооперация биржаларини ўтказди. Натижада 11 та ўзаро ҳамкорлик меморандуми, маҳсулот ва хизматларни экспорт қилиш ҳамда инвестиция киритиш бўйича умумий қиймати 77,1 млн. АҚШ долларига тенг келишувлар имзоланди. Жумладан, 21 октябрда Жанубий Корея Импортчилар уюшмаси ҳамкорлигида мазкур мамлакат корхоналари билан бизнес-форум ўтказилиб, умумий қиймати 2,6 млн. АҚШ долларига тенг экспорт келишувлари имзоланди.

Бундан ташқари, 2014 йил давомида жамғарма томонидан 13 нафар тадбиркорга 2,54 млрд. сўмлик фоизсиз молиявий кўмак ҳамда хорижий ҳамкор топишда амалий ёрдам берилди. Бунинг самараси ўлароқ, умумий қиймати 67,2 млн. АҚШ долларига тенг экспорт шартномалари тузилди.

**Фахриддин НУРАЛИЕВ.**

«XXI ASR» 2014-yil 25-dekabr, payshanba, 52 (580)-son, www.21asr.uz, e-mail: xxi_asr@mail.ru

## Салоҳиятни рўёбга чиқараётган фаоллик

**O`zLiDeP сиёсий майдонга кириб келганидан буён юртдошларимизда амалга оширилаётган ислоҳотларга дахлдорлик ҳиссини кучайтириш жараёнида фаол иштирок этяпти. Бунда асосан БПТларга таянилаётгани бежиз эмас. Чунки мазкур тузилма партия электорати ва сайловчилар билан юзма-юз иш олиб борувчи бошланғич бўғиндир**

**Беҳзод ИСРОИЛОВ,**
«XXI asr»

Хусусан, пойтахтимизнинг Чилонзор туманидаги «URI-KOM» адвокатлик фирмасида иш олиб бораётган қуйи бўғин том маънода ижтимоий-сиёсий фаолият нуқталаридан бирига айланган, десак муболаға бўлмайди. БПТнинг ана шундай мавқега эришишида унинг етакчиси Муқаддас Лутфуллаеванинг астойдил меҳнати алоҳида ўрин тутади. У ўзининг ташкилотчилик, нотиқлик қобилияти ва бошқа фазилатлари билан танилди. Ташаббускор, серғайрат аёл 9 нафар аъзони бирлаштирган мазкур таянч бўғин раҳбари бўлиши билан бирга Ўзбекистон халқаро арбитраж ва ҳакамлик судларини ривожлантириш жамоат фонди ҳузуридаги Тошкент шаҳар ҳакамлик судининг судьяси, Учтепа туманидаги Қорёғди МФЙ хотин-қизлар кенгаши раиси ҳамдир.

— Партиямиз нуфузини оширувчи самарали йўллардан бири — омма орасига фаол кириб бориш, одамлар билан юзма-юз бўлиб, сиёсий кучнинг дастурий мақсадлари, уларнинг рўёби хусусида бевосита сўзлашишдир, — дейди бошланғич ташкилот етакчиси. — Энг муҳими, қандай шаклда бўлмасин, барча саъй-ҳаракатлар ягона мақсадга — партия электоратини қўллаб-қувватлашга йўналтирилиши лозим.

Қуйи бўғин ташкил қилинганидан буён ўтган 7 йил мобайнида М.Лутфуллаева ана шу партиявий тамойилларга изчиллик билан амал қилиб келаётир. Чунончи, жорий йилда бевосита унинг бошчилигида турли мавзуларга бағишланган 19 та тадбир уюштирилди. Уларда тадбиркорликни ривожлантиришга йўналтирилган кўплаб қонунларнинг мазмун-моҳияти борасида атрофлича сўз юритилди. Эътиборлиси, мулоқотларда одамларнинг талаб-истаклари, фикр-мулоҳазалари ҳам инобатга олинаяпти. Яқинда бир гуруҳ тадбиркорларнинг талабига биноан интеллектуал мулк ва уни ҳимоялаш, муаллифлик ва турдош ҳуқуқлар тўғрисидаги қонунлар моҳиятига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

Маълумки, аёлларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш ҳам O`zLiDeP олдида турган муҳим вазифалардан биридир. Бинобарин, таянч тузилма фаоллари мазкур йўналишга алоҳида урғу бераяптилар. Тумандаги қатор маҳаллаларда «Аёлларнинг жамиятдаги роли», «Конституция ва аёл ҳуқуқлари» сингари мавзулар бўйича ўтказилган туркум тадбирлар жамоатчиликда яхши таассурот қолдирди. Мулоқотлар асносида кўплаб опа-сингилларимиз хусусий бизнес, оилавий тадбиркорлик тўғрисидаги кўплаб саволлар билан мурожаат қилиб, баҳс-мунозараларга киришдиларки, бу учрашувларнинг ҳақиқатан ҳам жонли, қизиқарли бўлганидан далолат. Зеро, шу каби тадбирлар хотин-қизларнинг ўз ҳуқуқларини англашларига катта кўмак бераётир. Масалан, ана шундай йиғинлардан бирида касаначилик билан шуғулланувчи аёллар иш берувчининг меҳнат дафтарчаларига тегишли қайдларни киритмаётганлиги масаласини кўтардилар. Ҳуқуқшунослар томонидан уларга бундай ҳолат амалдаги қонунларга хилоф эканлиги, касаначилик учун ҳам иш стажи белгиланиши мажбурий эканлиги тушунтирилди.

Тадбирлар иштирокчиларининг таклиф ва ғоялари умумлаштирилиб, партия юқори органларига, тегишли ташкилотларга тақдим этилаётганлиги эътиборга молик. Ўқув масканларини битириб, илк бора ишбилармонликка қўл урган ёшлар, шунингдек, МФЙ ёрдами билан ташкил этилган савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаларига муайян имтиёзлар бериш бўйича тегишли иш олиб борилаётганлигини бунга мисол тариқасида келтириш мумкин. Гап таклифлар хусусида борар экан, БПТ фаолларининг хусусий сектор вакиллари манфаатлари ифодаланган талай асосли таклифларни илгари сураётганликларини қайд этиш жоиз. Айниқса, Ўзбекистон Республикаси «Ҳакамлик судлари тўғрисида»ги қонуни ҳамда Фуқаролик процессуал кодексининг айрим моддаларига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш борасидаги таклифлар мутахассисларнинг эътиборини жалб этди.

Бошланғич ташкилот аъзоларининг янги ва ноанъанавий ташаббуслар билан чиқаётгани ҳам таҳсинга сазовор.

— Одамларнинг маълум ғоя атрофида бирлашишига меҳр-оқибат, ҳурмат-эътибор каби илиқ инсоний муносабатлар кучли таъсир кўрсатади, — дейди таянч бўғин аъзоларидан бири Элгиза Нурова. — Юртдошларимиз ҳаётидаги маълум ҳодисаларга партия фаоллари томонидан эътибор берилиши сиёсий куч нуфузини оширишда, унинг хайрихоҳларини кўпайтиришда ўзига хос аҳамият касб этади. Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, биз тадбиркорлик субъектлари раҳбарлари ва аъзоларини эришилган ютуқлар билан қутлаш, меҳнат жамоаларини касбий байрамлари билан табриклаш сингари ишларни йўлга қўймоқчимиз.

O`zLiDeP таянч нуқтаси ўз ваколатлари доирасида тадбиркорларнинг муаммоларини ҳал этишга дадиллик билан киришган. Бунда адвокатлик тажрибаси билан бирга «БПТ — партия юқори ташкилоти – депутатлик сўрови» механизми ҳам ғоят қўл келаётир. Кейинги уч йил мобайнида 100 дан зиёд ишбилармоннинг қонуний манфаати ҳимоя қилинганини таъкидлаш ўринли. Биргина мисол: Шайхонтоҳур туманидаги «Эски Жўва» бозорида жойлашган хусусий дўконлар соҳибларининг БПТга, унинг тимсолида эса партиямизга ишончи янада ортди. Чунки яқинда қуйи бўғин фаоллари Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, O`zLiDeP фракцияси аъзоси П.Свешников билан ҳамкорликда дўконлар учун тўланадиган ижара ҳақини максимал қийматдан минимал даражага тушириб, тадбиркорлар мушкулини осон этишга муваффақ бўлдилар.

## БПТ кўмагида «Гўзаллик салони» очилди

**Наманган шаҳридаги «Мажнунтол» МФЙ ҳудудида ташкил топган O`zLiDeP қуйи бўғини тадбиркорлик билан шуғулланиш истагида бўлган фуқароларни изчил қўллаб-қувватлаб, партиямиз дастурий мақсадлари амалга ошишига муносиб ҳисса қўшмоқда.**

**— Маҳалладошимиз Мунира банкдан кредит олишда айрим қийинчиликларга дуч келганини айтиб, биздан ёрдам сўраганди, — дейди БПТ етакчиси Дилором Муродова. — Ушбу масалани йиғилишимизда кўриб чиқиб, тегишли хулосаларни халқ депутатлари шаҳар кенгаши депутати Бахтиёр Воҳидовга расман тақдим этдик. Натижада М.Исомиддинова депутат ва бошланғич ташкилотнинг кўмаги туфайли тез фурсатда «Микрокредитбанк» шаҳар бўлимидан 4,8 млн. сўм миқдорида кредит олишга эришди. Ҳозир шаҳримиз аёлларига хизмат кўрсатаётган «Гўзаллик салони»да у билан бирга коллеж битирувчилари ишлаяпти.**

**Таъкидлаш жоизки, ана шундай амалий ишлар одамларда O`zLiDePга нисбатан ишончни янада мустаҳкамлаётир.**

А.МУСУРМОНОВ.

## «Пешку шаҳризодаси»

**Пешку туманидаги Янгибозор қишлоқ фуқаролар йиғинида фаолият кўрсатаётган O`zLiDeP бошланғич ташкилоти маҳаллий тадбиркорларнинг чинакам кўмакчисига айланган. Мисол учун, Дўрмон маҳалласида истиқомат қилувчи Турсуной Сулаймонова БПТ ёрдамида «Халқ банки»нинг туман бўлимидан 9 миллион 600 минг сўмлик кредит олиб, асаларичиликни йўлга қўйган бўлса, Боғимусо қишлоғилик Ирода Шодиева «Микрокредитбанк» филиали томонидан берилган 4 млн. 800 минг сўмлик сармоядан унумли фойдаланиб, ишлаб чиқариш цехини очишга киришди. Шунингдек, «Пешку шаҳризодаси» фермер хўжалигига қарашли бинода жойлашган янги тикувчилик цехида ўн нафар аёл доимий иш билан таъминланди. Бинодаги хоналардан бири эса спорт ихлосмандлари ихтиёрида. Хуллас, БПТ маслаҳати, саъй-ҳаракати билан «Агробанк»нинг туман бўлимидан ажратилган 30 миллион сўмлик кредит ана шундай хайрли ишларни амалга ошириш имконини берди.**

А. ИСТАМОВ.

## Тадбиркорликни танлаган битирувчилар







**2004 йили ташкил этилган Қибрай тадбиркорлик касб-ҳунар коллежида айни кунда 28 нафар ўқитувчи ва 12 нафар ишлаб-чиқариш таълими устаси 608 нафар талабага ветеринария, тикувчилик, ЭҲМ, автомобилга хизмат кўрсатиш, банк иши, шунингдек, ахборот-ресурс маркази, қишлоқ хўжалиги машиналари йўналишлари бўйича сабоқ бериб келмоқда.**

**— Ўтган йили коллежимиз учун 20 млн. сўмлик тикув машиналари харид қилинган бўлса, жорий йилда «Чилангарлик» амалиёт хонасига 17,5 млн. сўмлик махсус жиҳозлар, «Автомобиль тузилиши» ўқув устахонасига эса «Ласетти», «Нексия», «Спарк» русумли автомобилларнинг двигателлари олиб келиб ўрнатилди, — дейди ишлаб чиқариш бўйича директор ўринбосари Суҳроб Ирисбеков. — Кўп йиллик тажрибага эга бўлган Фазилат Саъдинова, Муҳайё Ташметова, Зайнаб Мансурова, Шаҳноза Рустамова, Абдуфаттоҳ Мусаев каби мураббийларимиз ёшларга ҳам устоз, ҳам сирдош, ҳам дўст бўлиб қолган, десак адашмаймиз.**

**Эътиборлиси, 2013-2014 ўқув йилида етти нафар битирувчи тижорат банкларидан ажратилган қарийб 68 млн. сўмлик имтиёзли кредит эвазига тадбиркорлик ва фермерлик фаолиятини бошлаб юбордилар. Бунда уларга турли йўналишлар бўйича коллежда олинган билимлар қўл келмоқда. Ўз навбатида жорий ўқув йилида ҳам ўн нафардан ортиқ битирувчи опа-акалари изидан бориб, ўз бизнес-лойиҳаларини ҳаётга татбиқ этишни режалаштираётганини айтиб ўтиш лозим.**

Солижон ЗОИРОВ олган суратлар.

## Бир хўжаликда ўн нафар

**Булунғур туманидаги «Шакарҳожи» фермер хўжалигида тузилган O`zLiDeP бошланғич ташкилоти 10 нафар маслакдошни бирлаштирган. Эътиборлиси, мазкур БПТ аъзоларидан олти нафари — Рустам Эгамқулов, Усмон Қаюмов, Мусурмон Абилов ва бошқалар куни кеча бўлиб ўтган сайлов жараёнида кузатувчи сифатида иштирок этиб, зиммаларидаги вазифаларни бекаму кўст адо этдилар.**

**Мазкур қуйи ташкилот йиғилишида Президентимизнинг Бош қомусимиз қабул қилинганлигининг 22 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасидан келиб чиқадиган вазифалар муҳокамаси бўлиб ўтди. Партия туман кенгаши ходими ҳамда қуйи бўғинлар раислари, қишлоқ мулкдорлари қатнашган мулоқотда фермерлар олдида турган муаммоларни ҳал қилишда ташаббус кўрсатиш масалалари борасида бир қанча таклифлар билдирилди.**

**— Давлатимиз раҳбари ўз чиқишида хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш учун уларнинг йўлидаги ҳар қандай тўсиқни олиб ташлаш ўта долзарб вазифа эканини алоҳида қайд этдилар, — дейди БПТ етакчиси, хўжалик раҳбари Ҳасан Қаюмов. — Ушбу сўзлар бизни янада фаолроқ бўлишга ундамоқда. Бинобарин, йиғилишимизда электорат вакиллари мурожаатлари бўйича иш олиб боришда депутатлар, партия юқори органлари билан ҳамкорликни янада кучайтиришга келишиб олдик.**

М.РАВШАНОВА.


РЕКЛАМА

**Ўзбекистон банклари ассоциацияси ҳузурида ташкил этилган инвестиция лойиҳалари бўйича лойиҳа ҳужжатларини тайёрлашни молиялаштириш фонди**

**Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг лойиҳа ғояларини танлов асосида қабул қилади.**
**Фонд томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг лойиҳа ғоялари ва уларнинг лойиҳа ҳужжатларини (ТИА, бизнес-режа) ишлаб чиқиш танлов асосида амалга оширилади.**

Танлов қуйидаги йўналишларда олиб борилади: янги ишлаб чиқаришни ташкил этиш, жорий фаолият кўрсатаётган саноат корхоналарини модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш ҳамда янгилаш.
Танловга инвестициявий жозибадорлик ва саноат соҳасида татбиқ этиш истиқболига эга, шунингдек, маҳаллий хом ашё ва материаллардан фойдаланган ҳолда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш, сифатини яхшилаш ҳамда меҳнат унумдорлигини ошириш имконини берувчи ғоялар қабул қилинади.
Фонд энг истиқболли ва жозибадор лойиҳаларни республика тижорат банклари кредит маблағлари ҳисобига молиялаштиришни ташкил этишга кўмаклашади.
Танловда лойиҳа ғоялари ҳамда улар бўйича лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаш ва молиялаштириш учун юридик шахслар иштирок этишлари мумкин.
Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиш лозим:
— ариза (намуна бўйича);
— инвестиция таклифи (намуна бўйича);
— инвестиция таклифи паспорти (намуна бўйича).
Ҳужжатлар электрон шаклда ҳам қабул қилинади.

**Батафсил маълумот учун тел:** (+99871) 238-69-07, (+99871) 238-69-08.
**Web-site:** www.ffpd.uz; E-mail: pdf.fund@gmail.com
**Манзил:** Тошкент шаҳри, 100027, Шайхонтоҳур тумани, Қоратош кўчаси, 1-уй, Ўзбекистон банклари ассоциацияси биноси, 15-қават. Мўлжал: «Истиқлол» саньат саройи, «Бунёдкор» метро бекати.


ҚУТЛОВ

ЮҚОРИ ЧИРЧИҚ ТУМАНИДА ФАОЛИЯТ КЎРСАТАЁТГАН

**«ЭРА»**

МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ



# РЕКЛАМА ЎРНИДА

## Тадбиркорга мададкор бўлаяпмиз

**Маълумки, ҳар бир давлат аҳоли саломатлигини ҳимоя қилишга алоҳида эътибор қаратади**

**Абдуолим ЧАКАЛОВ,**
«Андижон синов ва сертификатлаштириш маркази» давлат корхонаси директори

Хусусан, Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифати ва рақобатбардошлигини ошириш, ички бозорни сифатсиз озиқ-овқатлардан муҳофаза қилишга қаратилган қонун ҳужжатлари, жумладан, «Стандартлаштириш тўғрисида», «Метрология тўғрисида», «Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида»ги қонунлар қабул қилинган бўлиб, уларнинг ижроси ҳам қаттиқ назоратга олинган.

Бундай саъй-ҳаракатлар самараси ўлароқ дунё бозорида истеъмол товарларига нисбатан рақобат кучли бўлган, жаҳоннинг ҳатто йирик компаниялари инқирозга учраётган бир пайтда мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган саноат ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ташқи бозорда ўз ўрнини топяпти. Кўзга кўринган иқтисодчилар эса мазкур ютуқларнинг муҳим омилларидан бири сифатида мамлакатимизда меъёрлаштириш ва ишлаб чиқарилаётган товарларнинг жаҳон андозаларига мос тайёрланган ҳолда истеъмолчига етказиб беришгача бўлган жараённинг тизимли ташкил этилганида, дея таъкидлашмоқда. Табиийки, бунда республикамиздаги синов ва сертификатлаштириш идораларининг ўз ўрни бор.

Фикримизни «Андижон синов ва сертификатлаштириш маркази» давлат корхонаси мисолида таҳлил этар эканмиз, бу ерда маҳсулотлар синовини ўтказадиган учта аккредитланган лаборатория фаолият кўрсатаётганини, малакали ходимлар тадбиркорлик субъектларига маҳсулот сифатини доимий равишда назорат қилиб туриш борасида амалий кўмак бераётганини айтиб ўтиш мумкин. Зеро, бугунги кунда Андижон вилоятида 22 мингдан ортиқ тадбиркорлик субъекти фаолият кўрсатаётган бўлиб, ҳудуд ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқарилишида уларнинг улуши қарийб 60 фоизни ташкил этмоқда. Ўнлаб қўшма корхоналар, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан тайёрланаётган маҳсулотлар ҳам вилоятга импорт товарлар кириб келиш салмоғини йилдан-йилга камайтириб боришини таъминламоқда. Масалан, ҳали ташкил этилганига кўп бўлмаган «Ўз Метр Теч Ко» қўшма корхонаси ҳозирда «GM Uzbekistan» автомобиль заводи учун бир қатор кўрсаткичларни қайд этадиган эҳтиёт қисмларни ишлаб чиқармоқда. Эътиборлиси, корхона ташкил этилган дастлабки йилда беш турдаги маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлса, бугунга келиб уларнинг сони ўнтадан ортди. Автомобиль заводи эса илгари чет элдан валюта ҳисобига келтирилган маҳсулотларни ҳеч қандай эътирозсиз сотиб олмоқда.

Ўз навбатида, мамлакатимизда тадбиркорлар учун ҳар йили солиқ ва бож тўловларидан имтиёзлар яратилаётгани корхоналарни янада кенгайтириш, модернизациялашда катта ёрдам бўлаётганини таъкидлаш даркор. Албатта, бу ҳолатда «Андижон синов ва сертификатлаштириш маркази» давлат корхонасининг кўрсатаётган ёрдами, ишлаб чиқарувчиларга бераётган тавсиялари ҳам алоҳида ўрин тутади. Чунки маҳсулот ишлаб чиқаришда бош назоратчи вазифасини аввало тадбиркорнинг ўзи адо этаётган бўлса, унинг сифатини таъминлашда, ички ва ташқи бозорга рақобатга дош берадиган даражада етказиб беришда ишбилармонларимиз марказимизнинг кўмагига таяниб келишмоқда.

Вилоятда аккредитланган синов лабораториялари тармоғини кенгайтириш, уларни замонавий ўлчаш воситалари ва қурилмалари билан жиҳозлаш, соҳа мутахассисларининг малакасини ошириш борасида ҳам салмоқли ишлар олиб борилаяпти. Жумладан, марказимиз қошида фаолият кўрсатаётган синов ва қиёслов лабораториялари учун 2013 йилда жами 68,9 млн. сўмлик 12 та замонавий ўлчов воситаси сотиб олинди. Бундан ташқари, «Ўзстандарт» агентлигининг махсус жамғармаси ва марказимиз маблағи ҳисобидан умумий қиймати 290 млн. сўмдан зиёд бўлган 13 дона синов қурилмаси ва намунавий ўлчов воситалари ўрнатилди.

Кўрсатилаётган хизматларда ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этишга ҳам алоҳида эътибор қаратиляпти. Хусусан, жорий йилда марказнинг барча бўлим ва бўлинмалари компьютер техникаси билан тўлиқ таъминланди. Интернет тармоғида корхонанинг веб-сайти яратилиб, товар ишлаб чиқарувчиларга таништирилди. Эндиликда тадбиркорлар қимматли вақтларини йўқотмаслиги учун ўзларини қизиқтирган саволларига сайт орқали малакали мутахассисларимиздан жавоб олишмоқда. Бу ҳам вилоятимизда маҳсулот ишлаб чиқариш салмоғининг ошишига сезиларли таъсир ўтказмоқда. Бу каби интерактив хизматлар турини янада кенгайтириш мақсадида фақатгина 2014 йилда марказнинг 40 нафар ходими компьютер саводхонлиги бўйича қайта тайёрланди.

Вилоятимизда жаҳон андозаларига тўла жавоб берадиган, импорт ўрнини босадиган, экспортга йўналтирилган маҳсулотлар салмоғи ҳам, тури ҳам ортиб бораётгани боис 2015 йилда ўн нафардан ортиқ мутахассисимизни халқаро талаблар даражасида хорижий давлатларда касб малакасини ошириш, ISO 22000 ва OHSAS 18001 халқаро стандартлари бўйича курсларда ўқитишни режалаштираяпмиз. Чунки қаердаки билимдон, ўз ишининг устаси бўлган ходим борки, у ерда сифатли маҳсулот ишлаб чиқарилиши, хизмат кўрсатилиши табиий. Шундан келиб чиққан ҳолда марказимизга дунёқараши кенг, замон билан ҳамнафас ёш мутахассисларни жалб этиш мақсадида Андижон шаҳридаги политехника касб-ҳунар коллежи талабалари ва ўқитувчиларига стандартлаштириш, метрология, сертификатлаштириш ва сифат тизимларини жорий этиш соҳаларида мунтазам равишда амалий ёрдам кўрсатиб келаяпмиз.

## Фаолиятимдан кўнглим тўқ

**Инсон манфаати устувор, қадр-қиммати ҳимояланган мамлакатда яшаяпмиз. Бундай эътибор ва ғамхўрлик, табиийки, шу юртда истиқомат қилаётган ҳар бир инсонни фаолликка, ғайрат-шижоат билан меҳнат қилишга чорламоқда.**

**Интизорбону АБДАЛНИЁЗОВА,**
«Достон акфа плюс» хусусий корхонаси раҳбари



Масалан, тадбиркорлик соҳасини олайлик. Президентимиз томонидан соҳа вакилларини қўллаб-қувватлашга қаратилган фармон ва қарорлар туфайли тадбиркорларнинг ишига ҳуда-беҳуда аралашишга чек қўйилиб, хусусий бизнес эгаларининг эркин фаолият юритиши учун қулай шароит яратилди. Улардан бири — бевосита бошловчи тадбиркорларни қўллаб-қувватлашга йўналтирилган «Микрокредитбанк»нинг ташкил этилганидир. Эндиликда мамлакатимиз иқтисодиётига муносиб ҳисса қўшиб келаётган хусусий корхоналарнинг катта қисми бевосита мазкур молия муассасаси билан чамбарчас боғлиқ.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, вақт ўтиши билан банк ва мижоз ўртасидаги масофа тобора «қисқариб» бормокда. Яъни, банкнинг мижоз учун қулай шартларда таклиф этаётган хизмат турлари йил сайин кенгайиб, аҳоли орасига чуқур кириб бораяпти. Бунга бизнинг фаолиятимиз ҳам яққол мисол бўла олади. Гап шундаки, етти йил аввал «Достон акфа плюс» хусусий корхонасини ташкил этганимдан буён «Микрокредитбанк» билан ҳамкорлик қилиб, кам бўлмадим. Банкнинг ишбилармонликни ривожлантиришга қаратилган кредитларидан мақсадли фойдаланиб, фаолиятимни тобора кенгайтириб келаяпман.

Хусусан, ўтган йили банкнинг 60 миллион сўмлик микролизинги ҳисобига хориждан тузни қайта ишлаш ускунасини харид килдик. Жорий йилда эса банкнинг 98 миллион сўмлик молиявий кўмаги билан тузни қадоқлаш технологиясини ўрнатдик.

Айни пайтда ушбу замонавий ускуналар ёрдамида бир кунда 3 тоннагача ош тузини қайта ишлаб, йодлаб, қадоқлаяпмиз.

Хуллас, бугун қўлида ҳунари ёки уқуви бор юртдошларимизнинг катта қисми «Микрокредитбанк» кўмаги билан ўз хоҳиш-истакларини рўёбга чиқармоқда.

## Байрамингиз муборак, энергетиклар!

**— Масъулият ва бурч барча муваффақиятларнинг калити саналади, — дейди «Навоий ҳудудий электр тармоқлари» АЖ раиси Садир Ҳожиев. — Жамоанинг ҳар бир аъзоси шунга қатъий амал қилса, ишда унум ва самара бўлади**

**Мансур АСЛОНОВ,**
«XXI asr»



«Навоий ҳудудий электр тармоқлари» очиқ акциядорлик жамияти жамоаси фаолияти вилоятда амалга оширилаётган кенг кўламли бунёдкорлик ишлари ҳамда қўлга киритилаётган ютуқлар омилларидан бири сифатида эътироф этилаётганлиги бежизга эмас. Чунки улар йилнинг тўрт фаслида 9 мингга яқин улгуржи ва 137 минг 643 та аҳоли истеъмолчиларига электр энергияси етказиб беришади. Кунлик энергия истеъмоли салкам 20 миллион киловатт соатни ташкил этиши ёки биргина 2014 йилда вилоят бўйича улгуржи истеъмолчилар сони 597 тага, аҳоли истеъмолчилари сони эса 6305 тага кўпайиб, электр энергияси истеъмоли ўтган йилга нисбатан 82,2 миллион киловатт соатга ортганлиги инобатга олинадиган бўлса, корхона бажараётган ишлар салмоғи нақадар катталигини ҳис қилиш мумкин.

Бундан ташқари, корхонада 2014 йилги инвестиция дастури ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 13 декабрдаги «2011-2015 йилларда 0,4-35 кВли паст кучланишли электр хўжаликларини модернизация ва реконструкция қилиш дастури тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш бўйича режадагидан 2 баробардан ортиқ, 2 миллиард 560 миллион сўмлик капитал қурилиш ишлари амалга оширилиб, 9 комплект 0,4-6/10 кВли трансформатор пункти, белгиланганидан 11,1 километр ортиқ 0,4-10 кВли ҳаво электр узатиш тармоқлари бунёд этилган.

Вилоятнинг 17 та массивида намунавий лойиҳалар асосида бунёд этилаётган 677 та уй-жой ташқи электр таъминоти бўйича белгиланганидан 500 миллион сўм кўп маблағ ўзлаштирилиб, 16,2 километр 0,4-10 кВли ҳаво электр узатиш тармоғи ва 9 комплект 0,4-6/10 кВли трасформатор станцияси қуриб битказилган. Айни кунда қурилиш-монтаж ишлари жадаллик билан давом этаётган Қалқонота ҚФЙ ҳудудидаги умумий қиймати 10 миллиард 20 миллион сўмлик 15,2 километрли, 110 кВли ҳаво электр узатиш тармоғи ва 9 комплект 110/10 кВли трасформатор станцияси, умумий қиймати 8,2 миллиард сўмлик Кўксарой станциясидан Хатирчи станциясигача бўлган 23,1 километрли 110 кВли ҳаво электр узатиш тармоқларининг келгуси йил биринчи ва иккинчи чоракларида ишга туширилиши, Навбаҳор ва Хатирчи туманларидаги аҳоли истеъмолчиларининг электр энергия таъминотини кескин яхшилаш имконини беради.

Корхона бош муҳандиси Садриддин Наимовдан олинган маълумотларга кўра, «Ўзбекэнерго» ДАКнинг 2014 йил 15 апрелдаги «2014-2015 йиллар куз-қиш мавсумига тайёргарлик бўйича корхоналарнинг вазифалари тўғрисида»ги буйруғи ижросини таъминлаш мақсадида 27 банддан иборат тадбирлар режаси ишлаб чиқилган. Унда кўрсатилган 1108,5 километр ўрнига 1269,3 километрдан ортиқ 0,4-6/10 кВли, 173,4 километрлик 35-110 кВли ҳаво электр узатиш тармоқлари, 9 та 35-110 кВли, режалаштирилганидан 7 та кўп — 298 та трансформатор станцияси мукаммал таъмирдан чиқарилган. Режадагидан 8 дона кўп — 18 та 10/0,4 кВли трансформатор юқори қувватлисига алмаштирилган. Бундан ташқари, қиш мавсумида электр энергия таъминотидаги узилишларнинг олдини олиш мақсадида 44 та юқори ва паст қувватли трансформатор захираси яратилган.

— Улгуржи ва аҳоли истеъмолчиларида светодиодли лампаларни ўрнатиш, Жанубий Корея гранти асосида Кармана туманида АСКУЭ тизимининг ўрнатилганлиги ҳамда электр энергиясидан тежамли фойдаланиш бўйича ходимларимиз томонидан олиб борилаётган тарғибот ишлари натижасида энергия бўйича қарздорликлар камайтирилмоқда, — дейди энергосотиш бўлими етакчи ҳисобчиси Илҳом Кенжаев. — Жорий йилнинг 11 ойида вилоят бўйича жами истеъмолчиларга 823,8 миллиард сўмлик электр энергиси етказиб берилди. Қишлоқ хўжалик истеъмолчиларининг қарздорлиги тўлиқ бартараф этилди. Аҳоли истеъмолчиларининг дебитор қарздорлиги йил бошига нисбатан салкам 300 миллион сўмга камайтирилди. Вилоятдаги йирик улгуржи истеъмолчиларининг дебитор қарздорликларини камайтириш мақсадида фойдаланилган электр энергияси учун тўлов графиклари ишлаб чиқилди. Тўлов қобилиятига эга истеъмолчилар билан олдиндан тўлов асосида ишлаш чоралари кўрилаётир.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, навоийлик энергетиклар зиммаларидаги улкан вазифалар масъулиятини чуқур англаган ҳолда фидокорона меҳнат қилиб, юқори самараларга эришаётир. Куни кеча нишонланган касб байрамлари —Халқаро энергетиклар куни муносабати билан биз ҳам уларни чин дилдан муборакбод этамиз.

### ҚУТЛОВ




## ННТлар фаолияти журналистлар нигоҳида

**Адлия вазирлигида «Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини такомиллаштиришнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари» мавзусида матбуот анжумани ўтказилди.**

**Мазкур вазирлик бошқарма бошлиғи Худоёр Мелиев мамлакатимизда ННТларнинг фаолият кўрсатиши учун ҳуқуқий база яратилгани, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилувчи қонунлар қабул қилинаётгани, «учинчи сектор» деб ном олган ушбу тизимни янада ривожлантириш, моддий-техник жиҳатдан қўллаб-қувватлаш масалалари хусусида сўз юритди.**

**Таъкидланганидек, ҳозирги кунда юртимизда 8000 дан ортиқ нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолият юритаётган бўлса, уларнинг аъзолари сони 17 млн.дан ошган. «Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида», «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида», «Жамоат фондлари тўғрисида»ги қонунлар ҳамда Президентимизнинг 2013 йил 12 декабрдаги «Фуқаролик жамияти институтларини ривожлантиришга кўмаклашиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ННТлар фаолиятини йўлга қўйишда муҳим омил бўлмоқда.**

**Анжуманда нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолияти самарадорлигини янада ошириш бўйича ўзаро фикр алмашилди.**

Дилноза НОМОЗОВА.

# ҚУТЛОВ

## «ЎЗВИНОСАНОАТ-ХОЛДИНГ» холдинг компанияси жамоаси

*Ўзбекистон халқини*
*«Кексаларни эъзозлаш йили»*
*деб эълон қилинган*
***2015 йил***
*билан чин дилдан*
*муборакбод этади.*
*Келаётган йил ҳар биримиз*
*учун қут-баракали йил бўлсин!*
*Сизларга узоқ умр,*
*соғлиқ-саломатлик тилаб,*
*бу йил эриша олмаган*
*ниятларингизга кейинги*
*йилда албатта*
*эришишингизга*
*тилакдошмиз.*

## Самарқанд вилояти Қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси жамоаси

азиз ватандошларимизни
кириб келаётган
Янги йил
байрами билан
чин қалбдан табриклайди.
Сизларга узоқ умр,
сиҳат-саломатлик,
оилаларингизга
тинчлик-хотиржамлик тилайди.
**2015 –**
**«КЕКСАЛАРНИ ЭЪЗОЗЛАШ ЙИЛИ»**
ҳаммамизга яхши кунлар,
тўйларни олиб келсин!



## ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИНИНГ ОҲАНГАРОН ШАҲРИДА ЖОЙЛАШГАН «ГУЛИЛОЛА» КОРХОНАСИ ҚОШИДАГИ

# «MAJNUNTOL»

## мажмуаси жамоаси

*барча*
*юртдошларимизни*
*кириб келаётган*
*Янги йил байрами*
*билан табриклайди.*
***2015 йил***
*Сизларга ва оилангизга*
*тинчлик-осойишталик,*
*соғлиқ-омонлик ва*
*бахт-саодат олиб келсин!*
*Янги йилингиз*
*муборак бўлсин, азизлар!*





# СЎНГГИ САҲИФА

## Янги йил дастурхони соғлиққа зиён етказмаслиги учун...

**Байрам дастурхонига кўрк бағишлаб турган тансиқ таомлар, нозу неъматлар ҳеч қайсимизни бефарқ қолдирмайди. Аммо ҳамма нарсада меъёр бўлгани яхши. Айниқса, саломатлик билан боғлиқ муаммоларга дуч келмаслик учун овқатланиш тартибига риоя этиш керак.**



**— Биринчи ўринда майонездан воз кечиб, унинг ўрнига ўсимлик ёки зайтун ёғидан фойдаланинг, — дейди диетолог Феруза Аҳмедова. — Янги йил кечаси товуқ ёки курка гўштини истеъмол қилган мақсадга мувофиқ. Энг асосий чеклов бу мандарин ва шампан виноси бўлиб, байрам дастурхонининг кўрки бўлмиш ушбу маҳсулотлар жиғилдон қайнаши, ҳаттоки ошқозон ярасининг пайдо бўлишига олиб келиши мумкин.**

## Омадга элтувчи ишлар



**Мутахассисларнинг таъкидлашича, айни пайтда қилиниши зарур бўлган энг муҳим ишлар келаётган йилнинг омадли бўлишини кафолатлар экан.**

**— Аввало, қарзларни узинг, — дейди психология фанлари номзоди Маҳмуд Йўлдошев. — Ҳеч бўлмаганида, уларнинг бир қисмидан қутулиш даркор. Келгуси йилга қанчалик қарзсиз ўтсангиз, у шунчалик омадли ва даромадли бўлади.**

**Яқинларингизга Янги йил куни ҳадя қиладиган совғаларингиз ғамини олдиндан кўриб қўйинг. Байрам шукуҳи ҳис қилиниши учун олган совғаларингизни ёрқин қоғозларга ўратиб олинг.**

**Уч юз олтмиш беш кун давомида рўй берган кўнгилсизликларни ва сизни хафа қилган инсонларга нисбатан бўлган хафагарчилигингизни эски йилда қолдиринг.**

**Айниқса, ота-оналарга эътиборли бўлинг. Янги йил кечасини яқинлар билан биргаликда хуш кайфиятда, шинам бир муҳитда ўтказишга ҳаракат қилинг. Уларнинг сизга ёшликда ўтказиб берган байрамлар каби, сиз ҳам уларга унутилмас дамларни ҳадя этинг.**

**Дид билан безатилган уй ҳам байрам шукуҳини оширади. Гирляндалар, чироқлар, пуфакчалар, турли хил ўйинчоқларнинг ёрқин ранглиларини танланг. Бу иш оила даврасида маслаҳатлашган тарзда қилинса, янада мароқли бўлади. Агар имконият бўлса, арчанинг табиийсини ўрнатган маъқул. Чунки ундан ҳаёт нафаси келиб туради.**

## «Бек»нинг сирдарёликларга аталган совғаси

**Гулистон шаҳрида вилоят онкология диспансерининг янги биноси фойдаланишга топширилди. 60 ўринга мўлжалланган поликлиника, кимё-радиология, жарроҳлик ва реанимация каби бўлимларидан иборат мажмуа қошида фитобар ҳам фаолият кўрсата бошлади.**

**— Шифохонанинг замонавий лойиҳа асосида бунёд этилгани, барча тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозлангани эътиборга молик, — деди диспансернинг очилиш маросимида вилоят ҳокими Ойбек Ашурматов. — Хасталикка чалинган беморлар малакали шифокорлар кўмагида дарддан фориғ бўлишига ишонамиз.**

**Тадбирда сўз олган Соғлиқни сақлаш вазирлиги бош онкологи Хуршид Исмоилов, Республика онкология илмий маркази директори, профессор Саримбек Наврўзов ушбу шифо маскани ходимларининг ишларига омад тиладилар.**

**15 нафар шифокор, 90 нафардан ортиқ ҳамшира ва кичик тиббиёт ходими фаолият кўрсатадиган мазкур муассаса Бунёд Қамбаров раҳбарлигидаги «Бек» хусусий қурилиш фирмаси томонидан бунёд этилди.**

Дилора ЭСОНОВА.

↘ БУ — ҚИЗИҚ!

## Бир тонна қанча тош босади?

**Буни қарангки, дунё миқёсида энг кўп фойдаланиладиган оғирлик ўлчов бирлиги — тонна турли давлатларда турлича вазнга эга экан. Хусусан, АҚШда 1 тонна 907,18474 килограммга тенг бўлса, Англияда 1016,05 килограммни ташкил этади. Ўзбекистонда эса 1 тонна юк роппа-роса минг килограмм тошни босади. Тонна француз тилидаги «tonne» ва лотин тилидаги «tunna» сўзларидан олинган бўлиб, дастлаб «катта идиш», аниқроғи, «бочка» маъносини англатган.**

## Телефонингизнинг оғирлиги қанча?

**Америкалик ихтирочи Мартин Купер томонидан 1973 йилнинг 3 апрелида ишга туширилган илк мобиль телефон — «DynaTAC» номли аппаратнинг оғирлиги 1,15 килограммни ташкил этганини кўпчилик билмаса керак.**

**Маълумотларга кўра, 22,5х3,75х12,5 сантиметр ўлчамга эга бўлган бу қурилма жами 2 мингта ўрта катталикдаги ва майда қисмлардан ясалган бўлиб, телефон батареялари унинг эгасига тахминан 20 дақиқа мулоқот қилиш имкониятини берган.**

**1983 йилнинг мартида эса АҚШнинг «Motorola» компанияси биринчи уяли алоқа воситаси — «DynaTAC 8000X»ни сотувга чиқарди. Купернинг дастлабки аппаратидан фарқли равишда унинг оғирлиги 794 грамм, ўлчами эса 33х4х8,9 сантиметрни ташкил этган. Ана шу тариқа вақт ўтгани сайин уяли телефонлар вазни енгиллашаверган.**

**Яқинда эса япониялик ихтирочилар қоғозли мобиль телефон яратдилар.**

Зиёдулла МЎМИНОВ.

↘ БИЗНЕС БАШОРАТ

### Келаётган 2015 йилда тадбиркорликни йўлга қўймоқчи, иш жойингизни ўзгартирмоқчи ёки янги лойиҳага қўл урмоқчи бўлсангиз, қуйида тақдим этилаётган бизнес-башорат билан танишиб чиқишдан эринманг

**ҚЎЙ:** 2015 йилда сизнинг ижтимоий мавқеингиз янада мустаҳкамланади. Фақат бу йўлда ҳаддан ташқари кескин ҳаракатларни амалга оширмасдан, сабр-қаноатли бўлиш тавсия этилади. Ана шундагина муваффақиятнинг ўзи сизни излаб топади ва бизнесингизни йўлга қўйишда, манфаатли шартномалар имзолашда қўл келади. Молиявий аҳволингиз йилнинг март ва апрель ойларида яхшиланиши кутилмоқда. Аммо хотиржамликка берилманг. Чунки йил сўнгида сиздан одатдагидан кўпроқ фаоллик ва тиришқоқлик талаб этилади.

**БУЗОҚ:** Бу бурж вакилларига кириб келаётган йил бизнесда юқори барқарорлик, молиявий масалалардаги муаммолари ижобий ечим топишини ваъда қилмоқда. Фақат қонун доирасидан четга чиқманг. Кредит борасидаги масалалар ҳам омадли келади. Сиз банкдан узоқ муддатли кредитни ўзингизга қулай ва манфаатли шартлар асосида олишингиз мумкин. Қўл остингиздагиларни рағбатлантириб туринг. Аммо талабчанликни ҳам унутманг.

**ЭГИЗАКЛАР:** Сиз 2015 йилда иш жойингизни ўзгартиришингиз мумкин. Хусусан, йилнинг дастлабки тўрт ойида ўзингиз шундай қарорга келасиз. Шахсий ҳаётингизни ишингизга аралаштирмасликка ҳаракат қилинг. Зарур масалаларда қарор қабул қилишдан олдин фақат ички ҳиссиёт ва тажрибангизга таянинг. Кредит ва инвестиция масаласида дастлабки тўрт ойда эҳтиёткор бўлишингиз мақсадга мувофиқ. Бу борада сиз учун энг қулай фурсат куз фаслидир.

**ҚИСҚИЧБАҚА:** Йилнинг дастлабки чорагида ҳаётингизда сезиларли ўзгариш бўлиши кутилмоқда. Иш билан банд бўлиб, танишларингизни унутиб қўйманг. Улардан имкон қадар ёрдамингизни аяманг. Ана шунда анчадан буён қидираётган нарсаларингизни топишга муваффақ бўласиз. Бизнесда ўйлаган мақсадларга бақир-чақирларсиз, хушмуомалалик билан эришишини ёддан чиқарманг. Янги ғояларни амалга оширишда шошмашошарликка йўл қўйманг. Ҳар бир ишингизни пухта ўйлаб амалга оширинг. Фақат ўз қобилиятингизга ишонинг. Дастлабки икки ойда солиқ ва бошқа тўловларни диққат билан кузатинг.

**АРСЛОН:** Янги йилнинг биринчи чораги осон кечмайди. Иш жараёнида сизга хушомад қилувчилар кўпаяди. Алданиб қолманг. Тажрибангизга таяниб, уларни синовдан ўтказинг. Молиявий муносабатларда янги йилнинг иккинчи ярмида омад кулиб боқади. Бу даврда катта харидларни амалга оширишингиз кутилмоқда. Бизнесдаги даромадингиз сиз ўйлагандек кўпаяди. Иложи борича хайрия ишларида фаол қатнашинг.

**ПАРИЗОД:** Бу бурж остида туғилган тадбиркорлар учун янги йилнинг биринчи ярми анчайин суст кечади. Яъни, бизнесда кўп нарсага эришмайсиз. Бу борада ортиқча таваккалчилик қилманг. Акс ҳолда сарф-харажатларингиз миқдори ҳаддан зиёд кўпайиб кетади. Янги бошлаган ишингиз йилнинг иккинчи ярмига келиб аста-секин фойда бера бошлайди.

**ТАРОЗИ:** Янги йилнинг дастлабки уч ойида фаолроқ бўлинг. Ишингизда кўплаб тушунмовчиликларга дуч келасиз. Рақибларингизнинг кутилмаган ҳужуми бироз довдиратиб қўйиши ҳам мумкин. Ўзингизни қўлга олиб ҳаракат қилсангиз, ҳеч нарса йўқотмайсиз. Сиз учун қадрли бўлган инсонлар ҳолидан тез-тез хабар олиб туринг. Уларнинг беминнат маслаҳатларини эшитинг. Молиявий соҳада аввалги йилга қараганда бироз барқарорликка эришасиз.

**ЧАЁН:** Бизнесдаги фаолиятингиз баҳорнинг биринчи ойида ривожлана бошлайди. Даромадингиз аста-секин кўпаяди. Фақат молиявий ҳужжатларни юритишда пухта иш олиб боринг. Янги йилнинг биринчи чорагида сиз ҳақингизда турли уйдирмалар тарқатилиши мумкин. Бундай вазиятларда ўзингизни совуққон тутинг. Муаммоларни бирин-кетин енгиб ўтишга ҳаракат қилинг.

**ЎҚОТАР:** Янги йил сиз кутганингиздан-да омадлироқ келади. Ён-атрофингизда рўй бераётган воқеа-ҳодисалардан доимий тарзда бохабар бўлишга, ўз навбатида, турли миш-мишларга эътибор бермасликка ҳаракат қилинг. Бизнесдаги ҳамкорларингиз билан жиддий муносабатда бўлинг. Йилнинг биринчи ярмида дунёқарашингизни янада кенгайтиришга интилинг. Иккинчи ярми бизнесингиз учун қулай келади. Ёзнинг ўрталарига келиб ўз ишингиздан кўнглингиз тўлади.

**ТОҒ ЭЧКИСИ:** Келаётган йилда ушбу бурж вакиллари ўзлари хоҳлаган соҳалари бўйича қўшимча билим олиш имкониятига эга. Эътиборлиси, мазкур ўқувлар уларнинг фаолиятига салбий таъсир ўтказмайди. Аксинча, кўп ўтмай янги усулларни амалга татбиқ этиб, иш самарадорлигини оширишга эришадилар. Аммо натижаларни мустаҳкамлаш учун кўпроқ изланиш талаб қилинади.

**ҚОВҒА:** Бу буржда туғилганлар учун ҳам йил омадли келиши кутилмоқда. Дастлабки етти ой ичида ишбилармон ҳамкорлар томонидан билдирилган жозибали таклифлар ва чиройли ваъдалар сизнинг ҳушёрлигингизни пасайтириб қўйиши мумкин. Қарорингиз тўғрилигига ишонч ҳосил қилсангизгина, таклифларга рози бўлинг. Солиқлар ва бошқа тўловлар масаласида қонуний иш юритишни давом эттиринг. Шубҳали келишувлардан эҳтиёт бўлинг.

**БАЛИҚ:** 2015 йилда муҳим аҳамиятга эга воқеалар содир бўлмайди. Барча ишларингиз одатдагидек давом этади. Агар сизга янги бизнесни очиш ёки ҳамкорликни таклиф қилсалар, етти ўлчаб, бир кесинг. Чунки нохуш вазиятга тушиб қолишингиз мумкин. Кузда молиявий аҳволингиз яхшиланиши эҳтимоли бор. Шу пайтга келиб даромад келтирувчи таклиф олишингиз кутилмоқда.

↘ ҚУТЛОВ






↘ РЕКЛАМА






O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси Ўзбекистон Қаҳрамони **Комилжон МАМАЖОНОВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

O`zLiDeP Сурхондарё вилоят кенгаши Аёлларнинг сиёсий фаоллиги, жамиятдаги ўрни ва мавқеини ошириш бўлими мудири Матлуба Жўраевага онаси **Ҳайитгул КЎЧАРОВА**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

XXI ASR
IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA
MUASSIS: TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O`ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI

**БОШ МУҲАРРИР ВАЗИФАСИНИ БАЖАРУВЧИ:** Озод РАЖАБОВ.

**ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:** Тошкент, Нукус кўчаси, 73А-уй.

**ТЕЛЕФОНЛАР:** Котибият — 281-40-17 (тел./факс), Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими — 255-64-80, Ахборот ва таҳлил, хатлар ва шикоятлар бўлими — 255-64-80, Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти бўлими — 215-60-45, Ёшлар ва аёллар масалалари бўлими — 254-03-79, Реклама ва шартномалар бўлими — 215-60-45, 255-68-50, қабулхона: 215-63-80 (тел./факс).

**ЭЛЕКТРОН ПОЧТА:** axborotXXIasr@yahoo.com, XXI_ASR@mail.ru

**«XXI ASR»** ижтимоий-сиёсий газетаси Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2011 йил 14 июнда 0009 рақами билан қайта рўйхатдан ўтган.

«Ўзбекистон» НМИУ босмахонасида чоп этилди.

Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.

Буюртма рақами: S 1712 Тираж: 11859

Баҳоси келишилган нархда.

Топширилди — 20:00

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

©«XXI ASR»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.

Реклама материалларига таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририятда терилди ҳамда дизайнер Маркс Юсупов томонидан саҳифаланди.

**НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406**

ISSN 2181-497X

Навбатчилар: Т.АБДУРАҲМОНОВ, С.ЗОИРОВ.